2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 231 (1830), 2026 йил 7 ноябрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚАБА ЖАРАЁНИНИНГ АҲАМИЯТИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II таклифига биноан 5-6 ноябрь кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 6 ноябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ақаба жараёни доирасидаги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сунъий интеллект соҳасида хавфсизлик масалаларига бағишланган учрашувида иштирок этди.

Тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II, Озарбайжон ва Қирғизистоннинг юқори даражали вакиллари ҳамда бошқа хорижлик меҳмонлар ҳам қатнашди.

Халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, шунингдек, рақамли технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ янги хатар ҳамда таҳдидлар масалалари кўриб чиқилди.

Давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш, тажриба алмашиш, айниқса, ёшлар орасида радикаллашувнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ўз нутқида хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги шароитда Ақаба жараёнининг аҳамиятини юксак баҳолади.

Сунъий интеллект технологияларининг жадал ривожланиши инсоният учун улкан имкониятлар яратиш билан бирга янги таҳдидларни ҳам юзага келтираётгани қайд этилди. Шу боис, сифатли таълим ва инсон салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратиш хавфсизликнинг муҳим пойдевори экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари маърифат ва илмга интилишдек гуманистик анъаналарни замонавий илм-фан ютуқлари билан уйғунлаштириш мақсадида “Инсон манфаатлари йўлида рақамли тараққиёт” ташаббусини илгари сурди. Унинг асосий вазифаси сунъий интеллект салоҳиятини билимларни кенг тарқатиш, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш ва шахс камолоти учун янги имкониятлар яратишга йўналтиришдан иборат.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Сунъий интеллектни бошқариш масалалари бўйича глобал мулоқоти қўллаб-қувватланди.

Глобал саъй-ҳаракатларга амалий ҳисса қўшиш учун Ўзбекистонда БМТнинг Аксилтеррор бошқармаси минтақавий офисини очишга тайёрлик билдирилди. Ушбу офис Марказий Осиё мамлакатларига террорчилик мазмунидаги материаллар ҳақида огоҳлантириш каналларини ишга тушириш ва уларнинг фаолиятини таъминлаш, терроризмни молиялаштириш ҳолатларини аниқлаш, мутахассислар малакасини ошириш ҳамда ушбу жараёнларда сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий кўмак кўрсатади.

Шунингдек, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази негизида “Рақамли даврда жаҳолатга қарши маърифат” халқаро дастурини йўлга қўйиш таклиф этилди. Унинг асосий вазифалари кўп тилли ахборот ресурсларини яратиш, диний арбобларни ахборот муҳитида фаолият юритишга тайёрлаш, ислом динининг инсонпарварлик қадриятларини тарғиб этаётган ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлади.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида сунъий интеллектнинг келажаги нафақат технологик тараққиётга, балки ундан қандай мақсадларда фойдаланишга ҳам боғлиқ эканини таъкидлади. Шу боис, янги технологияларни таҳдидлар манбаига эмас, балки тинчлик, хавфсизлик ва инсон тараққиётини таъминлашнинг қудратли воситасига айлантириш умумий интилиш бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Остона шаҳридаги Ақаба жараёни учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн билан учрашув ўтказди.

Мамлакатимиз етакчиси дунёда янги таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда Иордания Подшоҳи ташаббуси билан йўлга қўйилган ушбу платформа тобора муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Учрашувда икки давлат ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари, шу жумладан, олий даражада эришилган келишувларнинг бориши муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда ўзаро ташриф ва мулоқотлар жадал тус олгани мамнуният билан таъкидланди. Ҳаво қатновлари йўлга қўйилди, Ҳукуматлараро қўшма комиссия йиғилиши ўтказилиб, Ишбилармонлар кенгаши таъсис этилди.

Суҳбат давомида ҳамкорликни янада ривожлантириш, хусусан, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни жадаллаштиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Иордания етакчилари бўлажак олий даражадаги икки томонлама тадбирлар режаси ҳамда кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Тадбир доирасида Ўзбекистон етакчисининг Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистон Президентлари, Озарбайжон ва Қирғизистоннинг юқори мартабали вакиллари ҳамда Ақаба жараёни модератори билан ҳам суҳбатлари бўлиб ўтди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Остона шаҳрига амалий ташрифи якунланди.

Остона халқаро аэропортида Ўзбекистон Президентини Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев кузатиб қўйди.

ЎзА

ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ШҲТ ПЛЮС БИРИНЧИ ЭКСПЕРТЛАР МУЛОҚОТИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Сизларни Хавфсизлик масалалари бўйича ШҲТ плюс биринчи экспертлар мулоқотининг очилиши билан самимий қутлайман.

Аввало, Ўзбекистоннинг ташаббусини қўллаб-қувватлаганингиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратаётган эътиборингиз учун миннатдорлик билдираман.

Бугунги тадбирда ШҲТга аъзо давлатлар, кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик мамлакатларнинг махсус хизматлари раҳбарлари ва вакиллари иштирок этаётгани замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш борасидаги умумий манфаатдорликдан далолат беради.

Бу йил Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилганининг 25 йиллигини нишонламоқда. Чорак асрлик шаклланиш ва ривожланиш жараёнида ташкилот халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшма ёндашувларни ишлаб чиқишда самарали майдонга айланди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ҳаммуассиси бўлган давлат сифатида унинг барқарорликни сақлаш ва инклюзив тараққиётни таъминлаш мақсадида аъзо давлатларни бирлаштирувчи кўп томонлама ноёб платформа сифатидаги ролини янада кучайтириш ва фаолиятини кенгайтиришга алоҳида аҳамият беради.

Азиз меҳмонлар!

Ҳозирги кунда геосиёсий кескинликнинг кучайиши, қарама-қаршиликларнинг чуқурлашиши ва қуролли можароларнинг авж олиши, афсуски, дунёдаги вазиятнинг асосий хусусиятлари бўлиб қолмоқда.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, муҳим инфратузилмаларни ҳимоя қилиш ва давлатнинг бузғунчи таъсирларнинг янгича шаклларига нисбатан барқарорлиги масалалари янада долзарб бўлиб бормоқда.

Бугун биз трансмиллий таҳдидларнинг табиати чуқур ўзгариб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва глобал коммуникация воситаларининг шиддат билан ривожланиши нафақат тараққиёт учун кенг имкониятлар очмоқда, балки мутлақо янги муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, кибермакон анъанавий усуллар билан бирга тармоқ орқали ҳужумлар уюштирилаётган, жамоатчилик онгини бошқариш ва ёлғон ахборот тарқатиш каби воситалар тобора фаол қўлланаётган асосий тўқнашувлар майдонига айланди.

Террорчи ташкилотлар рақамли муҳитдан фойдаланаётгани жиддий ташвиш уйғотади. Интернет платформалари радикал ғояларни тарғиб қилиш, янги тарафдорларни ўз томонига оғдириш, молиявий маблағлар тўплаш ҳамда давлат чегараларини тан олмайдиган экстремистик бирлашмаларни шакллантириш воситасига айланиб бормоқда.

Бундай шароитда, айниқса, ёшлар аҳолининг энг заиф тоифаси бўлиб қолмоқда. Бузғунчи кучлар ёшлар онгига мақсадли равишда таъсир кўрсатиб, уларни ўз жамоаларига жалб этмоқда, ижтимоий зиддиятлардан фойдаланмоқда ва тоқатсизлик ғояларини тарқатмоқда.

Бундай жараёнлар миллатлараро ва динлараро тотувликка путур етказиши, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга олиб келиши мумкин.

Шу боис, юзага келаётган можароларга нафақат тезкор муносабат билдириш, балки хавф-хатарларнинг олдини олиш — уларни аниқлаш, ўзаро ахборот алмашиш, хавфсизликни таъминлаш борасида миллий салоҳиятни мустаҳкамлаш ва ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш лозим.

Ишончимиз комил, ҳеч бир давлат чегара билмайдиган таҳдидларга якка ўзи тўлиқ қарши тура олмайди. Бу эса, табиий равишда, халқаро ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва биргаликда иш олиб боришнинг амалий механизмларига бўлган талабни кучайтиради.

Қадрли дўстлар!

Ташкилот учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу йилда сизларга мурожаат қилиб, таъкидламоқчиманки, ШҲТнинг янги таҳдидларга ўз вақтида жавоб бериш ва янада барқарор дунёни шакллантиришда самарали иштирок этишга қодир бўлиши кўп жиҳатдан махсус хизматларнинг яқин ҳамкорликда иш олиб боришига боғлиқ.

Бугунги мулоқот сизларга нафақат долзарб таҳдид ва хавф-хатарларни ҳар томонлама муҳокама қилиш, балки халқларимизнинг хавфсизлиги ва давлатларимизнинг барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган ҳамкорликнинг амалий йўналишларини белгилаб олиш имконини беради, деб ишонаман.

Форумнинг барча иштирокчиларига самарали фаолият олиб боришлари ва Ўзбекистондаги учрашувлари мазмунли ўтишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўттиз тўрт йиллигини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш, фуқароларни унда белгиланган эзгу ғоялар атрофида бирлаштириш, “**Конституция — инсон қадри улуғланган эркин ҳаёт ва янги келажак пойдевори!**” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида **қарор қиламан**:

1. Қуйидагилар:

а) **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган байрам тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ;

б) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича **ташкилий қўмитанинг** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ташкилий қўмита (А. Арипов):

а) Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (кейинги ўринларда — Конституция) куни умумхалқ байрами кўтаринки руҳда нишонланишини;

б) барча ҳудудларда Конституция куни байрамига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, сайиллар, маданият ва спорт тадбирларини юқори савияда ўтказиш мақсадида атоқли илм-фан намояндалари, маданият ва санъат арбоблари, кекса ва ёш авлод вакиллари, таниқли спортчиларни жалб этган ҳолда байрам тадбирлари ўтказилишини таъминласин.

3. Жойларда Конституция куни байрамини Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик руҳига ҳамоҳанг тарзда нишонлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

а) Конституцияда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги, **инсон қадри, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик** каби эзгу ғояларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда ўз аксини топаётганини кўрсатиб бериш;

б) Конституциянинг **иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётнинг** турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва бу борада эришилаётган натижаларни мустаҳкамлашдаги ўрни ва ролини ёритиш;

в) **“Конституция — инсон қадри улуғланган эркин ҳаёт ва янги келажак пойдевори!”** деган ҳаётий шиорнинг моҳияти ва аҳамиятини, Конституция асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида мутлақо янги босқичга ўтилганлигини очиб бериш;

г) Конституциянинг **тадбиркорлик ва хусусий мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш** бўйича янгидан-янги ютуқлар ва натижаларга эришиш учун мустаҳкам замин яратиб берганини кенг жамоатчиликка тушунтириш;

д) нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, **оила, оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилиш, гендер тенглиги** таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш;

ж) Конституция куни байрами арафасида умумий ўрта, ўрта махсус, касбий ва олий таълим ташкилотларида барча ўқувчи ва талабаларни қамраб олган ҳолда **Конституция дарсларини**, шу жумладан, атоқли ҳуқуқшунослар, олимлар, суд, адлия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбар ва ходимлари иштирокида ўтказиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган **байрам тадбирлари**:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли **маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари**, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан;

б) Тошкент шаҳрида — Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг** ва **Тошкент шаҳар ҳокимлигининг захира жамғармалари** ҳисобидан **тенг улушларда молиялаштирилади**.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Конституция куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Д.Давлатов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 6 ноябрь

Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг саксон йилдан ортиқ илмий фаолияти бу борада мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 7 ноябрь, 231-сон

Таҳлил

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИГИДА ТАРИХИЙ НАТИЖА: ИСЛОҲОТЛАР, ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

2026 йил Ўзбекистон пахтачилиги тарихида муҳим натижа билан якунланмоқда. Мамлакатимизда 890 минг гектар майдондан 5 миллион 2000 тонна пахта хомашёси етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик гектарига 56,2 центнерга етди. 2025 йилда эса 876 минг гектардан 3 миллион 986 минг тонна пахта олинган. Ўртача ҳосилдорлик 45,5 центнерни ташкил этган эди. Демак, ялпи ҳосилнинг ўсиши асосан экин майдони кенгайиши эмас, балки ердан самарали фойдаланиш билан боғлиқ.



Шавкат АЮПОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси президенти,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Мазкур кўрсаткични алоҳида агротехник тадбир ёки биргина янги нав натижаси сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди. У қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, илмий ёндашув, замонавий технологиялар, фермерлар тажрибаси ва меҳнатнинг ўзаро уйғунлиги билан боғлиқ. Энг муҳими, пахтачиликда илм-фан натижаларини даладан ажратмайдиган тизим шакллантирилди.



Инновацияга асосланган тизим

Президентимизнинг 2022 йил 7 июлдаги “Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳадаги ўзгаришларнинг муҳим ҳуқуқий ва ташкилий асосларидан бири бўлди. Унда пахта етиштиришда илм ва инновацияларга асосланган уруғчилик, нав танлаш, ерга ишлов бериш, ўғитлаш ва суғориш ишларини янги тизим асосида йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Пахтачилик кенгаши ташкил этилди. Кенгашга ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос навларни тавсия қилиш, сифатли уруғликни кўпайтиришни ташкил этиш, тупроқнинг кимёвий ва биологик хусусиятларига асосланган ўғитлаш тавсияларини ишлаб чиқиш, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш чораларини белгилаш, сув ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда пахтачилик бўйича илмий муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш каби вазифалар юклатилди.

Қарор доирасида янги ёндашувларни дастлаб 13 та туманда синовдан ўтказиш, илмий муассасалар, ишчи гуруҳлар ва ишлаб чиқарувчилар ҳамкорлигини йўлга қўйиш назарда тутилди. Шу тариқа илм-фан хулосаларини амалий тавсияга, тавсияларни эса даладаги аниқ технологик чора-тадбирларга айлантириш учун институционал асос яратилди.

Президентимиз 2026 йил 4 ноябрь куни пахтакорларга йўллаган табригида Пахтачилик кенгаши ташкил этилгани, олимлар томонидан ноанъанавий технологиялар қўлланаётгани ва рақамлаштириш жараёнини алоҳида қайд этди. Бу пахтачиликни фақат агротехник чоралар билан эмас, балки илмий бошқарув, технологик янгиланиш ва иқтисодий рағбатлантиришни бирлаштирган тизим асосида ривожлантиришга эътибор кучайганини кўрсатади.

Академия олимлари ҳам кенгаш таркибида

Янги тизимнинг муҳим хусусиятларидан бири унга турли соҳалардаги олимлар жалб этилганидир. Президентимизнинг мазкур қарорига мувофиқ, Пахтачилик кенгаши таркибига Фанлар академиясининг уч олими ҳам киритилган. Хусусан, Геномика ва биоинформатика маркази директори З.Бўриев биотехнолог-генетик, Генетика ва ўсимликлар эксперимент биологияси институти лаборатория мудири С.Набиев генетик-физиолог, Умумий ва ноорганик кимё институти лаборатория мудири Б.Кучаров минерал ўғитлар бўйича мутахассис сифатида кенгашдан ўрин олган.

Уларнинг кенгашдаги иштироки академиянинг геномика, генетика, ўсимликлар физиологияси ва агрокимё йўналишларидаги илмий салоҳиятини пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган давлат тизими билан боғлади. Бу масалада ҳар бир йўналишнинг ўрни ўзига хос: селекция ва генетика юқори ҳосилли ҳамда шароитга мос навларни танлаш, физиология ўсимликнинг ташқи омилларга жавоб реакциясини тушуниш, агрокимё эса озиқлантиришнинг илмий асосланган меъёрларини белгилашга хизмат қилади.

Геномикадан янги навларгача

Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг саксон йилдан ортиқ илмий фаолияти бу борада мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Бир пайтлар вильт касаллигига қарши курашда яратилган машҳур “Тошкент навларидан бошланган йирик илмий ютуқлар бугун иқлим ўзгаришига мослашган, юқори сифатли ва рақобатбардош янги авлод ғўза навларини яратишга қаратилган тадқиқотларда давом этмоқда.

ЎзФАнинг Геномика ва биоинформатика марказида ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларини молекуляр биотехнология усуллари ёрдамида ўрганиш, селекция жараёнини такомиллаштириш ва маҳаллий шароитга мос янги навларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда. “Порлоқ” ва “Равнақ” каби биотехнологик ғўза навлари марказ илмий ишларининг амалий натижалари сирасига киради.

Хусусан, ғўзанинг тола сифати ва ҳосилдорлиги билан боғлиқ белгиларини бошқариш, шўрланиш ва сув танқислигига жавоб реакцияларининг молекуляр механизмларини аниқлаш, истиқболли генлар ва молекуляр маркерларни излаш йўналишида тадқиқотлар давом этмоқда. Марказда маҳаллий навларнинг зараркунанда ҳашаротларга чидамлилигини ошириш мақсадида Bt технологияси билан боғлиқ ишлар ҳам бажарилмоқда. Бундай ишланмаларнинг айримлари тадқиқот ва синов босқичида бўлгани сабабли уларнинг 2026 йилги республика ялпи ҳосилига қўшган улуши алоҳида баҳоланиши лозим.

Бу каби тадқиқотлар пахтачиликнинг узоқ муддатли барқарорлиги учун муҳим. Чунки ҳосилдорликни янада ошириш вазифаси билан бирга тола сифати, шўрланиш, иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамлилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш харажатини камайтириш каби масалалар ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Геномика, биоинформатика, молекуляр селекция ва анъанавий дала синовларини бирлаштириш ана шу вазифаларни ҳал этишнинг илмий асосини мустаҳкамлайди.

“8 қонун” тамойили ва юқори ҳосилдорлик

2026 йилда кенг қўлланган “8 қонун — ягона технологик тизим” ёндашуви пахта етиштиришни бир-бирига боғлиқ босқичлар мажмуаси сифатида ташкил этиш ғоясига асосланади. Нав ва уруғликни тўғри танлаш, тупроқни тайёрлаш, мақбул экиш схемаси ҳамда кўчат қалинлигини таъминлаш, ўсимликнинг ривожланишини бошқариш, озиқлантириш, суғориш, ҳимоя қилиш ва йиғим-теримни ўз вақтида бажариш биргаликда самара беради.

Жумладан, айрим ҳудудларда 76 сантиметрли қатор оралиғи ва қўшқатор экиш усулларига эътибор кучайди. Бундан мақсад майдондан самарали фойдаланиш ва мақбул кўчат қалинлигини таъминлашдир. Бироқ экиш схемаси ҳар бир навнинг биологик хусусиятлари, сув-озуқа таъминоти ва маҳаллий тупроқ-иқлим шароити билан мувофиқлаштирилиши керак. Худди шунингдек, ўғитлаш ва суғориш меъёрлари ҳам тупроқ таҳлили ва ўсимликнинг ривожланиш даврига таяниши лозим.

Механизациялаштириш соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилди. 2026 йилги мавсумда 3000 дан ортиқ пахта териш машинаси жалб этилиб, ҳосилнинг қарийб 85 фоизи машина ёрдамида йиғиб олинган. Бу жараён дала тайёргарлиги, дефолиация, техниканинг қатор оралиғига мослиги ва йиғим-терим муддатларини тўғри белгилаш каби омиллар билан узвий боғлиқ.

Кам майдон — ҳақиқий самарадорлик

Мамлакат пахтачилигидаги ўзгаришни тарихий рақамлар ҳам тасдиқлайди. Президентимиз табригида таъкидланишича, 1980-йилларда республикада қарийб 2 миллион гектар майдонга пахта экилган ва ўртача ҳосилдорлик 30 центнердан ошмаган. 2026 йилда эса анча кам майдонда 5 миллион тоннадан ортиқ пахта етиштирилди. Бу ер майдонларини кўпайтиришга эмас, балки ҳосилдорлик ва самарадорликни оширишга қаратилган ёндашув аҳамиятини кўрсатади.

Бироқ ҳақиқий самарадорлик фақат тонна ва центнерларда ифодаланмайди. Сув сарфи, минерал ўғитлардан фойдаланиш самараси, маҳсулот таннархи, тола сифати, фермернинг соф даромади ва экологик барқарорлик ҳам муҳим мезонлардир. Илмий тавсиялар амалиёт билан боғлангани сари ушбу кўрсаткичларни биргаликда яхшилаш имконияти кенгаяди.

Технология ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги — кейинги марралар пойдевори

2026 йилги рекорд натижа давлат сиёсати, фан, технология ва фермер меҳнати ўртасидаги ҳамкорлик имкониятларини намоён этди. Президентимиз ташаббуси билан шакллантирилган Пахтачилик кенгаши каби институционал механизмлар олимларнинг илмий салоҳияти ва соҳанинг амалий эҳтиёжларини яқинлаштиришга хизмат қилди. Фанлар академияси олимларининг кенгашдаги иштироки ҳамда академик муассасаларнинг геномика, генетика, селекция, физиология ва агрокимё соҳаларидаги тадқиқотлари ушбу жараённинг муҳим илмий таркибий қисмидир.

Келгусида ҳар бир илмий ишланманинг аниқ ҳудудда, муайян майдонда қандай натижа берганини ҳисобга олиш, илмий тавсияларнинг ҳосилдорлик ва иқтисодий самарага таъсирини баҳолаш, юқори ҳосилли ва стрессга чидамли навларни яратиш ҳамда сув ва ресурс тежовчи технологияларни такомиллаштириш устувор вазифа бўлиб қолади. Зеро, пахтачиликнинг барқарор тараққиёти ердан кўпроқ ресурс олиш билан эмас, балки ҳар бир гектарда илмга асосланган, иқтисодий ва экологик жиҳатдан самарали ишлаш билан белгиланади.

Муносабат

МЎЪЖИЗАНИ ВАТАНПАРВАРЛАР ЯРАТАДИ

Президентимиз Ўзбекистон деҳқон ва фермерлари ҳамда барча қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригида 5 миллион тоннадан зиёд юксак пахта хирмони кўтарилганини ҳақли равишда “Янги Ўзбекистон мўъжизаси” деб таърифлади. Ушбу тарихий ютуқ мўъжиза бўлганини биз — қорақалпоғистонликлар янада теран англаймиз. Бир пайтлар аждодларимиз она дарё деб атаган Амударёнинг қувватини кесган ҳам аслида шу пахта эди. Оқибатда экологик шароитимиз қай аҳволга келиб қолганини такроран айтиш шарт эмас, назаримда.



Бекман АЛЛАБЕРГАНОВ,
“Нуроний” жамғармаси
Амударё тумани бўлими раиси

Бугун оғир экологик ҳудудларда ҳам ҳосилдорлик ўтган йиллардагига нисбатан 10-15 центнер ошиб, 400 минг тоннадан ортиқ хирмон кўтарилди. Улар сафида қорақалпоғистонлик пахтакорлар ҳам бор. Ҳосилдорликни оширган туманлар орасида амударёлик пахтакорлар тилга олингани бизни жуда қувонтирди.

Узоқ йиллар тумандаги 16-, 5-мактабларда ёшларга физика ва математика фанларидан дарс бердим. 1987-1995 йилларда депутат бўлдим. Тумандаги Амир Темур номли овулда маҳалла посбони, 2003-2008 йилларда эса мазкур фуқаролар йиғини раиси вазифаларида меҳнат қилдим. Ана шу фаолиятим давомида доим пахта билан боғлиқ хотираларим бор. Мактабда ишласам ҳам пахтага чиқардик. Маҳалла посбони эса бутун овул аҳлини далага олиб чиқишга масъул эди. Бу ҳам бир тарих бўлиб қолди. Бугун ҳамма ўз ишини бажаряпти. Пахта ҳам, таълим ҳам, маҳалладаги янгиланишлар ҳам жадал ривожланмоқда.

Президентимиз барча соҳага илм орқали ёндашувни олиб кирди. Хориждан ўзимизга мос тажрибалар олиб келинди. Илмий тажриба ва берилган имкониятлар туфайли ҳосилдорлик кескин ошди. Ҳозир ҳосил йиғим-терими даврида қорақалпоғистонлик нуронийлар фаол. Пахта теримига чиққанимиз йўқ. Лекин давраларда доим нуронийларга айтаман: “Ҳой яхшилар, аҳволимиз илгари қандай эди? Пахта терими қандай эди? Ҳозир қандай яшаяпмиз? Мана имконият. Фермерларга сўзимиз, дуомиз билан далда берайлик. Рағбат олсин, ҳаракатини тезлаштириб, ерни текислаб, тайёрлаб, имкониятлардан фойдаланиб, кейинги йилларда гектарига 100 центнердан ҳосил олайлик!”. Деҳқончилик учун Қорақалпоғистоннинг иқлими қулай эмас. Бу ерда пахта етиштириш мураккаб. Кимдир шуни важ қилиб, ишга ҳафсаласиз қарамасин, деймиз-да!

Қорақалпоғистонда деҳқон кўпроқ шўр ювишга мажбур эди. Бунга кўп сув исроф бўларди. Ҳозир ер лазер билан текисланяпти. Бунинг ҳам катта фойдаси бор. У сувни тежайди. Ҳамма жойда ҳосил бирдек бўлишига хизмат қилади. Яна бир янгилик: пахтани машинада териш бошланди. Бу биз учун жорий йилда тажриба бўлди. Насиб қилса, келгуси йилларда машинада кўп пахта териш имконияти яратилади.

Айтганимиздек бугун ўқитувчилар мактабда, шифокорлар ўз иш жойида. Шунга қарамай, фермерлар, кластерлар пахтани ўз вақтида, сифатли териб оляпти. Бўлар экан-ку! Фарзандларимиз, невараларимиздан кўнглимиз хотиржам. Чунки орзуларимиз ушалмоқда. Биз яхши, обод замонда яшашни орзу қилганмиз.

Бир пайтлар ҳамма пахта учун ишларди. Аммо бугунгидек натижа бўлмасди. Ҳамма жойга пахта экиларди. Озиқ-овқат маҳсулоти учун ер берилмасди. Лекин барибир кўрсаткич 12 дан 40 центнер оралиғидан нари ўтмасди. Мана ҳозир мўл ҳосил олмоқдамиз. Ана шу тарихий фактларни бугунги ютуқларга қиёслаган киши пахтачиликда эришилган ютуғимиз мўъжиза эканини англайди, тан олади. Мўъжизани ким, қандай яратади деган саволга ҳам жавоб бериш керак. Уни шу юрт, халқ учун жасорат ила хизмат қилган қаҳрамонлар ярата олади!

БИР ЗАМОНЛАР ФАҚАТ ПАХТА ДЕБ ЯШАРДИК...

1980 йили 10-синфни битирганимдан сўнг Тошкент шаҳрига бир ойлик ўқув курсига юборилдим. Курсни тамомлагач, Бўка туманидаги пахта қабул қилиш пунктига лаборатория ходими бўлиб ишга кирдим. Ҳамма қатори енг шимариб, иш бошладим. Бу орада оила ҳам қурдим. 1983 йили декретга чиқдим. У вақтлари ҳозиргидек бир-икки йиллаб бола парвариши учун уйда ўтириш имконияти бўлмасди. Фарзандим атиги бир ойлик бўлганида уни қайнонамга қолдириб, яна иш бошлашга мажбур бўлдим.



Мақсуда ҲУСАНОВА,
Бўка туманидаги собиқ пахта қабул қилиш пункти лаборатория мудири

Чунки пахта мавсуми эди. Бундай пайтларда кимнинг қандай аҳволда экани эмас, режани қандай бажарамиз деган савол биринчи ўринга чиқарди. Оналар бешикдаги боласини ярим тунда, аксарият ҳолларда ухлаб ётганида кўриш бахтига муяссар бўларди. Шундан сўнг тонг саҳардан яна далага отланардик. Элнинг бошига келган бу “тўй”да ёшу қари бирдек иштирок этарди. Пахта мавсумида мактабнинг кириш эшигига катта қулф осилар, меҳнатга яроқли барча одам эгатлар орасига “ҳайдаларди”.

Ўша йиллари пахтачилик соҳасида ёзиш-чизиш, кўзбўямачилик жуда кўп бўларди. Ҳали режа бажарилмаган бўлса ҳам “бажарилди” деб ёпиб юбориш ҳолатлари учрарди. Биз — лаборатория ходимлари бу жараёнларнинг ичида юрардик. Ҳар куни кечқурун соат тўққиз-ўнларда ҳокимлик биносида ўтадиган йиғилишга борардик. Мажлислар баъзан тунги бир-иккигача чўзилар, уйга жуда кеч қайтардик.

Биринчи теримда келтирилган пахта таркибидаги бегона аралашма 15-20 фоиз чиқса ҳам бизга уни 10 фоиз қилиб ёзиш буюриларди. Биз эса ўзимиз билган ҳақиқатга эмас, берилган буйруққа қараб ишлашга мажбур эдик. Оддий ходимнинг ўз фикрини айтиши, ўз ҳисоб-китобига таяниб ишлаши осон эмасди. Юқоридан нима дейилса, шуни бажарардик.

Ҳали бу қийинчиликлар ортда қолмаган эди. Бошимизга яна бир ташвиш тушди. Пахта иши бўйича жиноий иш қўзғатилиб, биз ҳам судга тортилдик. Таътилда бўлган вақтимда ўрнимда ишлаган шеригим эски ҳужжатларни кераксиз деб ташлаб юборган. Кейин ўзимизни оқлашимиз учун шу ҳужжатлар сўралди. Аммо улар аллақачон йўқолган эди. Ўша вақтларда туман ҳокимлари ва ёрдамчилари таҳлил натижаларимизни ҳисобга олмай, ўзлари ҳисоб-китоб қилиб юборарди. Биз эса берилган кўрсатмалар асосида ишлаганмиз. Лекин бу гапларни ҳеч кимга исботлай олмадик. Тошкентдан бизнинг ҳимоямиз учун адвокат келган эди. У бизга “Қизларим, сизнинг ҳеч қандай айбингиз йўқ. Нима дейилган бўлса, шуни бажаргансизлар. Судда бўлган воқеаларни яширмай, тўғрисини айтинглар. Ҳеч нарсадан қўрқманглар, амнистияга тушириб, озодликка чиқаришга ҳаракат қиламан”, деб далда берди. Биз ҳам ишониб, нима бўлган бўлса, ҳаммасини бирма-бир судда айтиб бердик.

Ўша пайтда иккинчи фарзандимни кутаётган эдим. Тўққиз ой прокуратурага терговга қатнадик. Ниҳоят, 1985 йил августда судимиз якунланди. Ойлик маошимиздан 50 фоиз ушлаб қолиш шарти билан оқланиб, суд залидан озод қилиндик. Судьянинг ўша куни айтган гаплари ҳали ҳам ёдимда: “Ўғил туғсангиз, Озода қўйинг”, деди. Суддан атиги уч кун ўтиб, фарзандим дунёга келди. Ўғлимга Озоджон деб исм қўйдик. Шу тариқа ўғлимнинг исми ҳам ҳаётимизнинг ўша оғир, лекин унутилмас кунлари билан боғланиб қолди.

Биз бу синовлардан омон чиқдик. Аммо атрофимиздаги қанчадан қанча инсон айнан шу пахта иши ортидан йиллаб умрини йўқотди. Қишлоқда бирор кишининг қамалгани ҳақида хабар эшитсак, юрагимиз орқага тортиб кетарди. Бир томондан қамалган инсоннинг оиласи, бола-чақаси нима бўлади деб ўйласак, иккинчи томондан, шундай айбловлар бир кун бизнинг оиламизга ҳам етиб келмасмикан деган хавотирда яшардик. Ўша йиллари одамлар фақат меҳнат эмас, доимий қўрқув ва хавотир билан ҳам яшашга мажбур эди.

Болаларимиз ҳали жуда кичик бўлса ҳам, тирикчилик ташвиши бизни ишлашга мажбур қиларди. Бировнинг уйида ижарада яшардик. Турмуш ўртоғим билан иккаламиз ҳам меҳнат қилдик. Ойлик маошимизни тежаб, ўзимизга уй қуришга бел боғладик. Осон бўлмади, албатта. Лекин меҳнатимиз зое кетмади. Ниҳоят, ўз уйимизга кўчиб ўтдик. Деворлари пахса бўлса ҳам ўз уйимизда яшашнинг қувончи бошқача эди.

Оққан дарё оқаверар экан. Вақт ўтди. Ўша кунларнинг ташвиши ҳам ортда қолди. Бу йил қишлоғимиздаги пахта далаларида ҳосилни одамлар эмас, техникалар териб олди. Бу манзарани кўриб, кўзингиз қувнайди. Бир вақтлар бутун бошли халқ совуқни совуқ демай, ёмғир-қорда эгат оралаб, режани бажариш учун меҳнат қилган кунларни эсласам, бугунги замонамизнинг тинчлигига, одамларимиз учун яратилган имкониятларга шукр қиламан.

Биз болалигимиздан далада катта бўлдик. Меҳнатнинг оғирини ҳам, қадрини ҳам яхши биламиз. Бугун эса фарзандларим, невараларим бемалол таълим олиши, ўзи қизиққан касбни ўрганиши, келажагини қуриши мумкин. Мен учун бундан ортиқ бахт йўқ. Илоҳим, юртимизда бундай яхши ўзгаришлар давом этсин. Фарзандларимиз, невараларимиз биз кўрган қийинчиликларни кўрмасин, халқимиз меҳнатининг роҳатини кўриб, тинч ва фаровон ҳаёт кечирсин.



> **Биз бу синовлардан омон чиқдик. Аммо атрофимиздаги қанчадан қанча инсон айнан шу пахта иши ортидан йиллаб умрини йўқотди. Қишлоқда бирор кишининг қамалгани ҳақида хабар эшитсак, юрагимиз орқага тортиб кетарди.**

Бизда шу пайтгача тўғри овқатланиш ҳақида ҳеч қандай тушунча бўлмаган. Президентимиз шахсан ўзи бу борада катта ислоҳотларни бошлаб берди. Махсус ҳужжатлар қабул қилиниб, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш бошланди. Маҳаллаларда спорт билан шуғулланишга шароит яратилмоқда.





Янгиланишлар харитаси



ЎЗГАРГАН ТАҚДИРЛАР, МАЛҲАМ ТОПГАН ДАРДЛАР ВА МУСТАҲКАМЛАНГАН ИШОНЧ ИФОДАСИ

ҲУДУДЛАРГА ХОС ХАСТАЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ВА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ХУСУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ



Янги Ўзбекистон ғоясининг моҳиятидаги таянч устунлардан бири инсон қадрини улуғлашдир. Қадр топиш инсоннинг шахс сифатида тан олиниши, ҳурмат-иззатда эканини англатади. Содда айтганда, одамни одам ўрнида кўриш дегани. Давлатчилик ва халқ ўртасидаги қадр тушунчаси эса янада кенгроқ маъно касб этади. Унинг энг қисқа изоҳи қуйидагича: барчага тенг ва муносиб турмуш шароитини яратиш. Орзуларига йўл очиб, интилишларини қўллаб-қувватлаш.

Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар кўлами моҳияти мазкур жиҳатларга тўла ҳамоҳангдир. Бунинг исботи учун исталган соҳадаги янгиланишларни кечаги кун билан қиёслаб кўриш кифоя. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Биргина мисол, тез ёрдам машинаси барча ҳудудга бирдек тезкор етиб борадиган бўлди. Энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун хорижга боришга мажбур эдик. Ҳозир бундай жарроҳлик вилоятлардаги шифохоналарда ўтказилмоқда. Ислоҳотлар самарадорлиги эса инсонлар тақдирида қанчалик ёркин акс этиши билан ўлчанади. Янги Ўзбекистон тиббиётидаги янгиланишлар реал ҳаётда катта ўзгаришлар ясади.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг вилоятлардаги мухбирларининг бу сафарги давра суҳбати айни мавзу атрофида кечди. Унда ҳар бир ҳудудда кўпроқ тарқалган хасталиклар ва уларга қарши курашда янги Ўзбекистоннинг тажрибаси ва ютуқларини оддий одамлар ҳаёти мисолида, мутахассислар фикри билан асослаб ёритишга уриндик.

ТАҲРИРИЯТ

Сарвар ТЎРАЕВ
(Сурхондарё вилояти):

— Минажатдин оға, ичимлик сув ҳақида жуда ўринли фикр айтдингиз. Илгарилари Сурхондарё вилоятининг жанубий туманларида яшовчи аҳолининг салмоқли қисми ер ости артезиан ва қудуқ сувларидан фойдаланарди. Бу сувларда туз ва зарарли минераллар миқдори ҳам жуда юқори бўлган.

2021 йил 1-2 июнь кунлари Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида “Тўпаланг” сув омбори имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, сув ресурсларини аҳоли фаровонлиги йўлида сафарбар этиш, замонавий тармоқлар барпо этиш вазифаси қўйилди. Шу асосда умумий қиймати 287 миллион доллар бўлган “Тўпаланг” сув омбори сувларидан фойдаланиш ҳисобига Сурхондарё вилоятининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш” лойиҳаси жадал суръатларда амалга оширилди. Натижада йирик лойиҳа Сурхондарё вилоятида 1 миллион 700 минг истеъмолчини тоза, зилол сув билан таъминлади. Сариосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон, Бандихон, Қизириқ, Термиз тумани ва Термиз шаҳри, Жарқўрғон, Ангор ва Шеробод туманлари аҳолиси бирин-кетин экологик тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўла бошлади.

— Саксон олти ёшга кириб, ҳаётнинг ҳам, сувнинг ҳам аччиғию чучугини татиб кўрдик, — дейди термизлик нуроний Чори Жумаев. — Аввал тоғли қишлоқларга борсак, у ердан идишларга тоза булоқ сувларини ғамлаб қайтардик. Боиси, шифокор дўстларимиз ер остидан олинаётган сув ўт қопига, ошқозонга зарар эканини айтарди. Атрофимизда эса аксарият қишлоқдошлар шундай касалликлар билан оғриган эди. Ўшанда 300 чақиримдан булоқ суви Термизгача олиб келиниб, бутун вилоят аҳли тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлади дейилса, ишонмасдик. Бугун бу орзулар рўёбини кўряпмиз.

Бу ўзгаришлар нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам амалга ошди. Яъни сувнинг қаттиқлик даражаси қарийб икки баравар пасайди. Натижада тиббиётда кўплаб касалликларни келтириб чиқарадиган сабабларга ечим қилинди. Бундан атиги саккиз-тўққиз йил аввал вилоят аҳолисининг марказлашган ичимлик сув билан қамров даражаси 47 фоиз эди. Ҳозир бу кўрсаткич 67,5 фоизгача етди.

— Тоза ичимлик сув инсон саломатлигида жуда муҳим роль ўйнайди. Асрлар давомида инсонларнинг яроқсиз сув истеъмол қилиши оқибатида қатор касалликлар тез-тез авж оларди. Масалан, Сурхондарёда юрак-қон томир, ошқозон-ичак касалликлари, эндокрин хасталиклар кўп учрарди, — дейди олий тоифали шифокор Карим Ханнаров. — Тоза ичимлик сув лойиҳаси сабаб қатор касалликларнинг олди олиняпти. Масалан, буйрак ва қовуқда туз ва тошлар йиғилиши, организмда туз алмашинуви бузилиши билан боғлиқ бўғим касалликлари хавфи кескин камайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, кўплаб касалликлар, хусусан, ўткир ичак инфекциялари айнан сифатсиз, сақланган сув орқали юқади. Сурхондарёликларнинг тоза булоқ суви билан таъминланиши ортидан қорин тифи ва дизентерия, яъни ичбуруғ касалликлари, сув орқали юқувчи А ва Е гепатити вируслари тарқалишига чек қўйилади. Яна бир гап, илгарилари воҳа аҳолиси сувни очиқ ҳавзалардан олганда ёки уй шароитидаги қудуқлардан сақланганда унга турли паразитлар тухуми тушиш хавфи юқори эди. Энди оқар сув тарзида, ёпиқ ва зарарсизлантирилган қувурлар орқали келтирилувчи “Тўпаланг” суви туфайли бу каби хавфларнинг олди олиняпти.

Тиббиётдаги инфратузилма, моддий-техник база ҳам мустаҳкамланиб боряпти. Маълумотларга кўра, сўнгги ўн йилда мамлакатимизда 10 миллион аҳолига хизмат кўрсатадиган янги поликлиника ва шифохоналар ишга тушиб, 58 минг шифо ўрни яратилган. Замонавий шифохоналар кўпайиб, хусусий секторга кенг имконият берилгани туфайли тиббий хизматлар ҳажми уч карра ошди. Гапни қисқа қилиб, битта мисол келтирсак. Кейинги йилларда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида юракнинг очиқ ва ёпиқ жарроҳлик амалиёти йўлга қўйилди. Шу амалиётларни бажариш мақсадида 7,5 миллиард сўмга ангиограф аппарати харид қилинди. Илгари бундай баҳодаги тиббий жиҳозларни республика марказидаги йирик шифохоналарда ҳам топиш маҳол эди.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ
***(Қорақалпоғистон)*:**

— Янги Ўзбекистон тиббиётидаги янгиланишларни бирма-бир санаб чиқсам, газетамизнинг саҳифасини тўлдириб юбораман. Шу боис, фикрларимни имкон қадар қисқа қилиб, айрим фактларга тўхталиб ўтсам. Қорақалпоғистонда турли юқумли хасталиклар авж олган эди. Айниқса, экологик муаммо сабаб бу қўлам йил сайин ошиб борарди. Биласиз, ўша пайтларда Тошкентда яшаш учун “прописка” талаб қилинарди. Лекин қорақалпоғистонликлар учун муайян йиллар “прописка” олиш учун “имконият эшиги” ҳам яратилганди. Яъни об-ҳаво ноқулайлиги соғлиғига жиддий хавф туғдирадиган шахслар бемалол Тошкентда яшаши мумкин эди. Афсуски, ўшанда экологияни яхшилаш, тиббиётни ислоҳ қилиш ўрнига осон йўл танланганди.

Бугун вазият тубдан ўзгарди. Оролнинг қуриган тубида яратилган яшил қопламалар сабаб экологик масалага ечим топилди. Бу томонда тиббиётдаги имкониятлар кенгайтирилди. Масалан, ҳозир Қорақалпоғистонда турли халқаро хайрия акциялари ташкил қилиниб, унда хорижлик малакали шифокорлар иштирок этяпти. Улар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул тиббий ёрдам кўрсатяпти. Мураккаб операциялар ўтказяпти. Бунга Нукус шаҳридаги Болалар миллий тиббиёт маркази Оролбўйи клиникасида ўтказилган “Табассум улашамиз” хайрия акцияси доирасидаги мураккаб операциялар мисол бўлади.

Унинг доирасида 200 га яқин болани мутахассислар кўригидан ўтказиш ва 60 га яқин беморда жарроҳлик амалиётларини бажариш режа қилинган. Халқаро жамоа таркибида Беларусь, Россия, Туркия ва Ўзбекистон тиббиёт мутахассислари бор. Улар ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, болаларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилашга ҳисса қўшмоқда.

Қорақалпоғистонда тиббий ёрдамга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган яна бир халқаро хайрия акция Кувайтнинг “Ал-Амал” (“HOPE”) халқаро хайрия ташкилоти ҳамкорлигида амалга оширилди. Нукус шаҳрида ташкил этилган ушбу тиббий гуманитар акция Оролбўйи минтақасида яшайдиган, юқори технологик жарроҳлик амалиётларига муҳтож беморларга бепул тиббий ёрдам кўрсатишни мақсад қилган.

Ушбу хайрия акциясида 40 га яқин малакали хорижлик шифокор иштирок этяпти.



Расулжон КАМОЛОВ
***(Фарғона вилояти)*:**

— Тўғриси, илгари шифохона дейилса, кўз олдимизга қоронғи хона кўринарди. Чунки муаммо кўп эди. Тиббий хизматдаги сифат паст, шароит оғир, оддий ташхис учун ҳам марказий шифохоналарда узоқ навбат кутишга мажбур эдик. Яхши эслайман, атрофимизда қандли диабет билан оғриган инсонлар кўп учрарди. Ҳозир ўйлаб кўрсам, бизда бу касалликни келтириб чиқарадиган омиллар кўп бўлган. Халқаро диабет федерацияси маълумотларига кўра, бу касалликни келтириб чиқарувчи асосий омиллар нотўғри овқатланиш, камҳаракатлик ва ҳиссий депрессия.

Бизда шу пайтгача тўғри овқатланиш ҳақида ҳеч қандай тушунча бўлмаган. Президентимиз шахсан ўзи бу борада катта ислоҳотларни бошлаб берди. Махсус ҳужжатлар қабул қилиниб, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш бошланди. Маҳаллаларда спорт билан шуғулланишга шароит яратилмоқда. Биз шунчаки сайр ва тадбиркорлик учун яхши шароит деб биладиган 24/7 режимдаги кўчалар ҳам шунга хизмат қиляпти. Оилавий сайрлар руҳий қувват бўлади ахир!

Натижада касалликнинг олдини олиш, эрта аниқлаш, даволаш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўлами кундан кунга ортиб бормоқда. Академик Ёркинжон Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиалида диабет касаллигига чалинган беморлар юқори малака билан даволанмоқда. Бундан ташқари, хасталикнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, диабетга чалиниш сонини имкон қадар камайтириш борасида ибратли ишлар қилиняпти.

— Қандли диабет сурункали касаллик. Уни вақтида аниқлаб даволаш шарт, — дейди Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиали директори в.б. Аъзамжон Исроилов. — Шу боис, барча шаҳар-туманлардаги патронаж ҳамшираларга ҳам эндокрин касалликлар, унинг аломатлари ва профилактикаси хусусида тушунча бериб келяпмиз. Бундан ташқари, туман тиббиёт бирлашмаларида имкон даражасида хавф гуруҳидаги фуқаролар учун ўринлар ажратилган. Энг кўп учрайдиган 6 та нозология бўйича бемор йўналиши ишлаб чиқилди ва 1473 оилавий шифокор ва 1227 ҳамшира ўқитилди. Илгари 100 минг аҳолига 1 та эндиокринолог штати бор эди. Ҳозирги кунда бу миқдор 30 мингтани ташкил қилади.

Филиалдаги “Диабет мактаби”да хасталик билан оғриган беморларга илмий асосланган тавсиялар бериш, фойдали кўникмаларни ҳосил қилишига кўмаклашиляпти.

— Қандли диабет ошқозон ости бези фаолиятида бузилиш юз бериши, инсулин ишлаб чиқарилиши камайиши натижасида пайдо бўлади. Бунга, асосан, нотўғри овқатланиш, камҳаракатлик, ортиқча вазн ва ирсий мойиллик сабаб, — дейди “Диабет мактаби” бош йўриқчиси Маъмурахон Ёқубова. — Кўп ҳолларда касаллик аломатларига эътиборсизлик қиламиз. Беморлар парҳез сўзини эшитиши билан ўзини жуда мушкул вазифа олаётгандай сезади. Биз уларга ўзини ўзи назорат қилишни, соддароқ айтсак, “қандли диабет билан яшаш”ни ўргатамиз. Машғулотлардан тўғри хулоса чиқариб, кундалик ҳаётида соғлом турмуш тарзига амал қилиб, хасталикни енгаётганлар кўпчиликни ташкил қилмоқда. Келгусида “Соғлом овқатланиш маркази” ташкил этишни режа қилганмиз. Бу ерда парҳез таомлар пиширилади, шунингдек, фитобар, фитнес хоналари фаолият юритади, мутахассислар маърузалари, давра суҳбатлари бўлади.

Ўқув машғулотлари давомида юқумсиз хасталикнинг келиб чиқишидан тортиб, асоратларга қарши муолажа тадбирлари, ҳаёт тарзини режалаштириш ва фойдали таомланиш усуллари ҳақида тушунчалар бериб борилади, оғир босқичларнинг олдини олиш бўйича кўникмалар ҳосил қилинади.

Буларнинг барчаси янги Ўзбекистон тиббиётининг бугунги қиёфаси қанчалик ўзгариб, халқчил бўлиб бораётганини кўрсатади. Дастур доирасида 300 га яқин бола, аёл ва эркакни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда зарур ҳолларда жарроҳлик амалиётларини бажариш режа қилинган. Бу мураккаб даволанишга эҳтиёжи юқори ва ижтимоий ҳимояга муҳтож беморлар учун муҳим имконият.

Жарроҳлик амалиётларини сифатли ва самарали ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказларининг ҳудудий филиалида зарур имкониятлар яратилди. Бундай ташаббуслар орқали беморлар даволаниш имкониятига эга бўляпти. Қолаверса, ўзимизнинг тиббиёт ходимларимиз халқаро мутахассислар билан ишлаб тажриба тўплаяпти. Бу тиббиётимиз янада ривожланишига хизмат қилади. Оролбўйи аҳолиси саломатлигини асраш йўлидаги ишлар доирасида тоза ичимлик сув билан таъминлаш даражаси кескин ошганини ҳам санаб ўтиш керак. Айнан сув сабаб кўплаб хасталикларнинг олди олинмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат ҳақида айтмоқчиман. Юртимизда оғир хасталикка йўлиққан беморларни даволашда халқимиз Ўзбекистон ижтимоий давлат эканини юракдан ҳис этмоқда.

Мана битта ҳаётий мисол. Қува туманида яшовчи Мафтуна Аҳмедовада тугунли буқоқ қалқонсимон без ўсма касаллиги аниқланган. Касалликнинг зўрайиши натижасида бемор турли клиникаларда зарур тиббий текширувлардан ўтган. Аммо жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун оиланинг иқтисодий имконияти йўл бермагани боис, даволана олмаган. Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиали ҳузурида эндокринология бўйича махсус хирургия бўлими фаолияти йўлга қўйилган. Шу сабаб одамлар оғири енгил, узоғи яқин бўляпти.

— Касаллик ҳақида эшитиб, тушкунликка тушдим, — дейди Мафтуна. — Даволаниш учун хорижга бориш, жарроҳлик амалиёти учун катта маблағ талаб этиларди. Ўзимизда ҳам бундай мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилаётганини этишиб, ҳаётга умидим ортди. Бу ерда жарроҳлик учун катта маблағ шарт бўлмади. Амалиёт муваффақиятли ўтди. Бошқалар қатори соғ-саломат ҳаёт кечиряпман.

Замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар учун йўналтирилаётган инвестиция ҳамда соҳадаги илмий салоҳиятнинг юксалиб бораётгани касалликларни эрта аниқлаш имконини бермоқда. Энг муҳими, беморлар ортиқча сарф-харажат қилмасдан, ўзлари яшаб турган ҳудудда сифатли даволаниб соғаяётгани кўплаб оилаларга ҳақиқий қувонч ва шодлик олиб кирмоқда.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Акбар РАҲМОНОВ
(Қашқадарё вилояти):

— Расулжон ака, жуда ажойиб фикрни айтиб ўтдингиз. Ҳозир ҳамма ҳудудда ташкил этилаётган спорт майдонлари, пиёдалар учун йўлаклар, сайил кўчалар инсон саломатлигида жуда муҳим аҳамиятга эга. Биз одатда соғлиқни сақлаш деганда, шифохонани, оқ халатли шифокорлар ва устма-уст бериладиган укол-дориларни тушунамиз. Негаки, халқимизда тиббий маданият деган тушунча шу даражага тушиб қолган эди. Қачонки йиқилсак, шифокорга борардик.

Ҳозир етти ёшдан етмиш ёшгача жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун замонавий спорт майдончалари барпо этилди. Спорт мажмуалари ҳам аҳоли фойдаланиши учун кеча-кундуз очиқ қилиб қўйилди. Натижада аҳоли ўртасида тиббий маданият шаклланиб, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш яхшиланди. Ҳар бир киши ўз соғлиғи ҳақида қайғурадиган бўлди. Хусусан, соғлом овқатланиш тартибига амал қилиниб, йиллар давомида кўпайиб борган касалликлар ортга чекинди.

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси масъуллари томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, илгари кўп учраган касалликлар сўнгги уч-тўрт йилнинг ўзида анча камайган. Таҳлилларга кўра, вилоятда кўп учрайдиган касалликлардан бири юрак-қон томир касалликлари ҳисобланади. Буни ҳисобга олган ҳолда жиддий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Амалга оширилган ислоҳотлар эса ўз самарасини беришни бошлади. Жумладан, бугунги кунда юрак-қон томир касалликлари 2024 йилдагига нисбатан анча камайган. Мисол учун, 2024 йилда бу касаллик билан 22 минг 505 нафар киши оғриган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 13 минг 414 нафарга тушган. Шунингдек, ўткир миокард инфаркти ҳам сезиларли даражада камайган. Жумладан, 2024 йилда вилоят бўйича 133 та ўткир миокард инфаркти қайд этилган. 2025 йилда 47 киши шу касаллик билан рўйхатга олинган. Бир йилда 87 тага камайишга эришиш катта натижа. Жорий йил якунигача кўрсаткич янада пасайиши кутилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, юрак-қон томир касалликларининг хавф омилларини ўрганиш ва профилактика ишларига кейинги пайтда жиддий эътибор ошган. Биргина 2026 йилнинг ўтган 9 ойида турли ёндашувлар асосида 18 ёшдан катта 2121 фуқаро сўровнома ва тиббий текширувдан ўтказилган. Уларнинг 21 фоизида юқори артериал босим, 8,1 фоизида қандли диабет, 26 фоизида семизлик, 39,2 фоизида ортиқча вазн қайд этилган. 8,2 фоизи илгари инфаркт ёки инсульт ўтказган. Уларнинг 74,96 фоизи спорт билан шуғулланмаслиги аниқланган. Мутахассислар бу кўрсаткичларни жиддий таҳлил қилиб, соғлом турмуш тарзига амал қилиш борасида тавсиялар бериб бормоқда. Илгари бундай тизим йўқ эди. Бўлса ҳам спорт билан оммавий шуғулланиш имконсиз эди.

Яна бир гап. Соғлиқни сақлаш масъуллари фикрича, бугун айрим касалликлар тури аниқлангани соҳа ривожланиб бораётганидан далолат беради. Асл ҳақиқат касаллик кўпаяётганида эмас, балки тўғри ташхислаш йўлга қўйилганида эканини англаш керак. Яъни бирламчи касалликлар сони ошиши аҳоли ўртасида оммавий скрининг текширувлари ўтказилгани, тиббий кўриклар сифати яхшиланиши натижасида яширин ҳолатлар очилгани, илгари аниқланмаган касалликлар фаол равишда эрта босқичда аниқлангани билан боғлиқ. Ҳудудларда бирламчи касалликлар ўсиши реал касаллик кўпайишидан эмас, балки аниқланиш даражаси ошгани билан изоҳланади. Содда қилиб айтганда, аслида, хаста бўлганмиз-у, бундан ўзимиз бехабар бўлганмиз.

Янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг ҳаётбахшлиги ҳам шунда, аввал масала атрофлича ўрганилади. Таҳлиллар асосида илмий ечим топилади. Барча шароит яратилади ва шундан сўнггина натижа талаб қилинади. Янги Ўзбекистон қиёфаси, туб моҳияти ана шундай маъно касб этади.

Суҳбатни
“Янги Ўзбекистон” мухбири
Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ
уюштирди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
yuz.uznews
yuz.uz_news
yuz.uz_news

СИЗГА РАҲМАТ, БИРОДАР...





Ҳусан ЭРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, сенатор

— Сизни Президентингиз билан табриклашга ижозат бергайсиз... Франциялик журналист Дидье Лабушнинг Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонаси минбарида айтган бу сўзлари сафаримизга ўзига хос якун ясади. Аммо бу самимий эътирофгача бўлган йўлда биз Франция ва Австриянинг медиа муҳити, журналистика таълими, ахборот агентликлари ҳамда газета тарқатиш тизими билан танишдик. Кўрдик, тингладик, таққосладик. Айрим тажрибаларга ҳавас қилдик, баъзилари ҳақида эса жиддий ўйланиб қолдик.

Сафаримизга “Олтин қалам” миллий мукофоти сабаб бўлди. Мана йигирма йилдирки, ушбу мукофот мамлакатимизда журналистик меҳнатга бериладиган энг нуфузли эътирофлардан бири бўлиб келмоқда. Ҳар йили Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида йил давомида яратилган энг муносиб ижодий ишлар сараланади, муаллифлар тақдирланади. Сўнгги йилларда мукофот миқдори билан бир қаторда нуфузи ҳам ошди.

Қолаверса, миллий мукофот хорижда ижод қилаётган ҳамкасбларимиз эътиборига тушди. Чунки Ўзбекистон ҳақида чет эл нашрлари, теле ва радиоканалларида эълон қилинаётган холис, таҳлилий ва салмоқли материаллар муаллифлари ҳам танлов ҳайъати эътиборида бўлиб келмоқда.

2026 йилда “Ўзбекистон ҳақида хорижий ОАВда ёритилган энг яхши материал учун” номинациясида тақдирланган журналистлардан бири Франциядаги “Georama” нашриёти асосчиси Дидье Лабуш бўлди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси делегацияси мукофотни ўз эгасига топшириш, шу баҳона француз ва австриялик медиа вакиллари билан мулоқот қилиш ҳамда келгуси ижодий ҳамкорлик учун алоқалар ўрнатиш мақсадида Франция ва Австрияда бўлди. Биринчи манзилимиз Париж эди.

Бизни мафтун этган Лувр

Франция — Европанинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида ўз ўрнига эга давлат. У Европа Иттифоқи ва НАТОнинг етакчи аъзоларидан бири, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси.

2025 йилнинг 12 майида Франция Президенти Эммануэль Макрон Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни 1802 йилда Наполеон Бонапарт томонидан таъсис этилган “Фахрий легион” ордени билан тақдирлаган эди. Дунёнинг энг таниқли давлат ва жамоат арбобларига топшириб келинадиган ушбу юксак мукофот икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги даражасини ҳам ифодалайди, албатта.

Франция билан танишувимиз унинг маданий тимсолларидан бири — Луврдан бошланди. Лувр ҳақида кўп эшитганмиз, ўқиганмиз. Аммо у ҳақда эшитиш бошқа, асрлар нафаси сақланган залларга қадам қўйиш бутунлай бошқа ҳиссиёт бахш этар экан. Сарой тарихи XII аср охирида қирол Филипп II Август даврида Парижни ҳимоя қилиш учун барпо этилган қалъадан бошланади. Асрлар давомида у ўзгарди, кенгайди, қироллик қароргоҳи, кейин эса инсоният яратган бебаҳо осори атиқалар жамланган музейга айланди.

2023 йилда музей сифатида очилганига 230 йил тўлган бу даргоҳнинг салобати фақат коллекциялари кўплиги билангина ўлчанмайди. Унинг энг катта қудрати ўтмишни бугун билан боғлай олганида.

Музей галереялари 75 минг квадрат метрдан ортиқ майдонни эгаллайди. Уларда инсониятнинг энг қадимги даврларидан бошлаб яратилган минглаб асарлар жамланган.

Музейнинг ўзи ҳам алоҳида санъат асари. Заллар деворларида Юнон, Рим ва Миср тарихига оид безаклар асл ҳолича сақланган. Музейга қадам қўйдингизми, бас, у сизни қаерданлигингиз, миллатингизу жинсингиз, ёшингиз нечада эканидан қатъи назар, ўзига мафтун этади, унга ошно бўлмай иложингиз йўқ.

Экспонатларга тикилганингиз сари тарих сизни ўз гирдобига тортиб кетади. Одамзоднинг буюклиги фақат осмонўпар бинолар ёки замонавий технологияларда эмаслигини чуқурроқ англайсиз.

Лувр хотирамда инсоният кечмишининг тилсиз, аммо ғоят таъсирчан солномаси ўлароқ муҳрланди. У ерда маъноси, юки енгил бирор экспонат йўқ — ҳар бирининг ортида давр тафаккури, изланишлари, қудрати ва тақдири мужассам. Бу улкан даргоҳда кўрганларингизни бир миллат ёки мамлакат миқёси билан ҳам ўлчаб бўлмайди. Унинг залларида одамзод нималарга қодирлигини, бу бебаҳо мерос ортида қанчалар теран тафаккур, юксак маданият ва улкан яратувчанлик мужассам эканини қалбан ҳис этасиз.

Биз бу улкан мажмуани уч-тўрт соат айландик, холос. Кўрганларимизни англашга, билганларимизни эслашга уриндик. Албатта, бу ерда бўлганимизни тасдиқловчи суратларга ҳам тушдик. Тан оламан, Лувр мени бутунлай ром этди...

Лувр залларида юрар эканман, хаёлимга Тошкентда қад ростлаган Ислом цивилизацияси маркази қайта-қайта келаверди. Яқинда хорижда яшайдиган ватандошимиз, таниқли журналист Сарвар Усмон билан ушбу мажмуани айланиб чиққан эдик. Мен у ерга ҳар кирганимда ўзим учун янги бир маъно, янги бир кашфиёт топаман.

Дунёнинг турли бурчакларида сочилиб ётган тарихий меросимизни излаб топиш, юртимизга олиб келиш ва замонавий музейчилик талаблари асосида яхлит тизимга жойлаш осон иш эмас. Бу улуғ ғояни илгари сурган давлатимиз раҳбарига ва уни амалга оширишга ҳисса қўшган барча инсонларга ҳурматим чексиз.

Лувр Франциянинг жаҳон тарихидаги ўрнини кўрсатса, Ислом цивилизацияси маркази инсоният тамаддунида бизнинг ҳам бекиёс ҳиссамиз борлигини намоён этади.

Эйфель минорасидан Парижга қуш парвози баландлигидан қараганда ҳам шу фикр хаёлимдан ўтди. Тарих ва бугунги кун бирбирига уйғунлашган мегаполиснинг сирли, виқорли ва айни пайтда сокин қиёфасига узоқ тикилиб, одамзоднинг яратувчанлик салоҳиятига таҳсин айтмай илож йўқ.

Аммо сафаримизнинг асосий мақсади Париж манзараларини томоша қилишгина эмас эди. Бизни Франция ва Австрия медиасининг иш тартиби, журналистика таълими ва ўқувчи билан муносабат тажрибаси қизиқтирарди.

Французлардан нималарни ўрганамиз?

Шошилманг. Хорижга борган одам кўпинча “биз ҳам шундай қилишимиз керак” деган хулосага жуда тез келади. Менимча, бу анча баҳсли масала. Дунёда ҳар қандай миллат, халқ айричадир ва унинг ўзлиги ҳам ўзигагина мос бўлади. Демак, ҳамма ҳам турли соҳаларда эришилган тажрибалар, кўп йиллик ишлаш, у ёки бу борадаги фаолиятни таҳлил қилишга, улардан самаралисини олиб, фойдасизларидан воз кечишга ҳақли деб ўйлайман. Бир мамлакатда самара берган усулни бошқасига тайёр қолип сифатида кўчириш ҳар доим ҳам кутилган натижага олиб келавермайди. Тажрибани ўрганиш керак, албатта. Аммо унинг моҳиятини англаб, шароитимизга мосини олиш, фойдасизини эса четда қолдириш лозим.

Заминимиз шу пайтга қадар икки буюк Уйғониш даврига бешик бўлиб, дунё илм-фани ва тафаккурига сабоқ берган улуғ тарихга эга. Бугун Президентимиз илгари сурган Учинчи Ренессанс ғояси ана шу буюк анъананинг давоми сифатида бўй кўрсатяпти. Унинг дастлабки куртаклари ҳаётимизнинг турли жабҳаларидаёқ сезила бошлади. Демак, ўзгаларнинг ютуқларига ҳавас билан қарар эканмиз, ўз тарихимиз ва салоҳиятимизни ҳам унутмай, қаддимизни тик тутишга ўрганайлик!

Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси билан ҳамкорликда тиғиз иш дастури тузилди. Ҳар бир учрашувдан нимадир олишга, бизнинг шароитимизда фойда бериши мумкин бўлган жиҳатларни топишга интилдик.

Дастлаб Париж — Пантеон — Ассас университети ҳузуридаги Франция матбуот институтига бордик. Бу даргоҳда журналистика ва медиа соҳаси учун кадрлар тайёрланади.

Оммавий ахборот воситалари тарихи, сиёсий коммуникация ва журналистика соҳаси мутахассиси, профессор Фабрис д’Алмейда катта завқ билан таълим жараёни, талабалар учун яратилган имкониятлар, ўқиш ва амалиёт уйғунлиги ҳақида сўзлаб берди. Кейин университетнинг медиа маркази билан таништирди.

Бу ерда талабалар анча эркин муҳитда таҳсил олар экан. Уларнинг кийиниши ёки ўзини тутишига ортиқча аралашилмайди. Университетнинг деярли ҳар бир бурчагида китоб ўқиш, фикр алмашиш ва гуруҳ бўлиб ишлаш учун жой бор. Кимдир зинада ўтириб дарс қиляпти, бошқаси китоб ўқияпти. Мўъжаз кутубхона эса талабалар билан тўла. Бу ерда сокинлик ҳукмрон. Биз оёқ учида кирдик ва шу тахлит уни тарк этдик. Асосий масала ўқиш экани кўриниб турибди. Очиғи, ҳавас қилдик.

Журналистлик одатим тутиб, уларни ўзимиз билан таққослай бошладим. ЎзЖОКУ кутубхонасида ҳам мутолаа учун шароит бор, аммо китоб ўқиётган ёшлар ҳар доим ҳам бу ердагидек кўп бўлавермайди...

Аммо уларнинг студияси бизникидек муҳташам эмас. Бу жиҳатдан биз олдиндамиз. Умуман, биз ҳашамат, безак ва кўзкўз қилишни яхши кўрамиз. “Евротаъмир”, “евроуслуб” деганда ҳам кўпинча қимматбаҳо безакларни тушунамиз. Аслида, европаликлар услубида ҳашаматдан кўра ҳар бир деталга эътибор, ҳар бир қарич жойдан унумли фойдаланиш, оддийлик ва ихчамлик устун туради. Институт студиясини зарурат туғилса, ярим соатда бошқа хонага кўчириш мумкин. Барча жиҳозлар ҳаракатчан ва қулай.

Профессорга “Институтни битирган мутахассис аниқ иш топа оладими? Битирувчиларнинг қанча қисми ўз соҳасида ишлаяпти?” деган саволларни бердим.

Ана шу муҳим саволларимга аниқ рақамлар ололмадим. Аслида, журналистика шундай касбки, факультетни тугатганлик ҳақидаги диплом олган одам журналист бўлди дегани эмас. Ҳамма гап диплом эгасининг касбга қанчалик лаёқатли эканида. Журналист билимни амалиётда қўллагани, изланган, ёзгани ва хато қилиб бўлса-да, ўрганган сайин шаклланади. ЎзМУ журналистика факультетини мен билан бирга тугатган 65 курсдошимизнинг деярли ярми бугун соҳада ишламайди. Жамиятда журналистларга талаб қанча, соҳа истиқболли касблар қаторида қоляптими деган саволлар жуда кўп.

Шунинг учун таълимда амалиётни кучайтириш ҳамма учун долзарб. Фабрис д’Алмейда талабалар амалиёти қандай ташкил этилишини батафсил тушунтириб берди. Бу ерда талаба вақтини бекор ўтказмайди. Замонавий медиа муҳитида пайдо бўлаётган янги касб ва йўналишлар ҳам таълим дастуридан четда қолмайди. Шаҳардаги медиа ташкилотлари институт фаолиятини кузатиб боради, қобилиятли талабаларга эса ўқиш давридаёқ эътибор қаратади.

Профессорнинг бир гапи бизга жуда таниш эшитилди. У журналистиканинг нони қаттиқ, меҳнати машаққатли, аммо меваси ширин эканини тушунадиган ёшларни соҳага кўпроқ жалб этишни исташини айтди.

Фабрис д’Алмейда билан мулоқот самимий ўтди. Айрим масалаларда қарашларимиз ҳамоҳанг экани ҳам сезилди.

Франс-Пресс ва журналистика қоидалари

Дастуримиздан дунёдаги энг йирик ахборот агентликларидан бири — Agence France-Presse билан танишув ҳам ўрин олган эди. Франс-Пресс — Франциянинг ўзига хос ташриф қоғозларидан бири.

AFP, Associated Press ва Reuters жаҳондаги энг йирик учта ахборот агентлиги қаторида туради. Бу ерда 1840 журналист агентликнинг дунё бўйлаб тўрт мингга яқин мижози учун туну кун ахборот тайёрлайди. Улар орасида таҳририятлар, телеканаллар, ахборот агентликлари, рақамли платформалар ва турли ташкилотлар бор. BBC ва Al Jazeera каби улкан аудиторияга эга компаниялар ҳам AFP материалларидан фойдаланади. Материаллар олти тилда тарқатилади.



Ахборотни текшириш жараёнида замонавий технологиялар, жумладан, генератив сунъий интеллект имкониятларидан ҳам фойдаланилмоқда. Бу йўналишда Google билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Аммо текширув биргина технологик восита ёки битта манба билан чекланмайди. Маълумот бошқа агентликлар хабарлари, очиқ манбалар ва воқеа жойидаги мухбирлардан олинган далиллар билан таққосланади. AFP глобал тармоғи орқали маълумотни бевосита воқеа жойидан олиш имконига эга.

Мулоқотда ўзбекистонлик медиа вакилларининг Францияда, бевосита AFP таҳририятида тажриба орттириш имкониятлари ҳақида ҳам фикр алмашилди. Агентликнинг Ўзбекистонда ўз мижозлари ва доимий фаолияти бўлиши мамлакатимиз ҳақида жаҳонга тарқалаётган ахборотларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга ёрдам беради.

AFPнинг Европа йўналиши бош муҳаррири Жером Картилье ва унинг ҳамкасблари билан суҳбатдан кейин бир нарсага яна бир бор амин бўлдик. Ахборот тарқатиш воситалари қанчалик ўзгармасин, журналистиканинг олтин қоидалари эскирмайди.

“Kronen Zeitung”ни 6,6 фоиз австриялик ўқийди

Венадаги дастуримиз Австрия медиа академияси билан танишувдан бошланди. Қарийб қирқ йиллик тарихга эга академия

> **AFPнинг Европа йўналиши бош муҳаррири Жером Картилье ва унинг ҳамкасблари билан суҳбатдан кейин бир нарсага яна бир бор амин бўлдик. Ахборот тарқатиш воситалари қанчалик ўзгармасин, журналистиканинг олтин қоидалари эскирмайди.**

Агентликнинг ҳуқуқий мақоми 1957 йилда Франция қонунчилиги билан мустаҳкамланган. AFPнинг акциядорлари йўқ. Таҳририй фаолиятда ахборотнинг аниқлиги, холислиги, тўлақонлилиги ва тезкорлиги асосий мезон ҳисобланади.

Агентлик даромадининг асосий қисми мижозлар обунасидан шаклланади. Шу билан бирга, ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни бажаргани учун давлатдан компенсация олади. Бироқ давлат маблағининг жалб этилиши таҳририят ҳукуматга бўйсунишини асло англатмайди.

AFP халқаро янгиликлар, мультимедиа маҳсулотлари, фактларни текшириш ва профессионал ўқувлар йўналишида фаолият юритади.

Мулоқот аввалида мезбонлар Ўзбекистон ҳақида сўради. Агентликнинг Ўзбекистондаги муайян сабабларга кўра фаолияти тўхтаган ваколатхонасини қайта тиклаш масаласи ҳам кўтарилди. Элчихона ва уюшма вакиллари бу масалани тегишли идоралар билан муҳокама қилиш ва ечим топиш бўйича фикрлашиб олдилар.

Биз AFP мутасаддилари билан бугунги ахборот муҳитида холис, ҳаққоний ва текширилган маълумот тарқатишнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик. Агентлик ахборотни мижозларга тақдим этади. Ундан фойдаланиш ёки фойдаланмасликни эса ҳар бир таҳририятнинг ўзи ҳал қилади. Аммо ўша ахборотнинг тўғри ва текширилгани ҳисобига мазкур агентликнинг мижозлари кўпайса кўпаймоқдаки, камаяётгани йўқ.

журналист ва медиа ходимлари малакасини ошириш, уларга замонавий билим ва кўникмалар бериш билан шуғулланади.

Муассаса Германия, Швейцария, Украина ва бошқа Европа давлатларидаги медиа ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади. Академия ижрочи директори Николаус Коллер глобал ахборот маконидаги манипуляциялар, асоссиз хабарлар кўпайиши ва фактчекинг масалалари ҳақида сўзлади.

Унинг айтишича, Австрия парламентига ахборотни ким тарқатишидан қатъи назар, чалғитувчи ва ёлғон маълумотлар учун жавобгарлик белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси киритилган.

Зеро, битта ёлғон хабар йирик ахборот воситасининг йиллар давомида орттирган обрўсини бир кунда йўққа чиқариши мумкин.

Николаус Коллер академия асосан профессионал журналистлар билан ишлашини таъкидлади. Унинг фикрича, журналист ва блогер бир-бирини тўлдириши мумкин, аммо уларга бир хил таъриф бериб бўлмайди.

Сўз ва фикр эркинлиги ҳақида ҳар қанча бонг урмайлик, унинг асосий мезони инсон шаъни ва дахлсизлиги экани, қолаверса, қайсидир томоннинг буюртмаси ёки манфаати учун ёлғон, асоссиз хабарларни оммага тарқатиш борасидаги мукаммал тартибларга эҳтиёж борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Кейин Австрия газеталар уюшмасига бордик. Очиғи, ташкилот фаолиятидан ҳам кўра, даврий нашрларнинг муштарак манфаатлар йўлида биргаликда ишлаши менга кўпроқ маъқул бўлди.

Ушбу тажрибани “Kronen Zeitung” газетаси мисолида кўриш мумкин. Нашр 600 минг нусхада чоп этилади. Таҳририятда 1200 ходим, жумладан, 250 журналист ишлайди. Газета Австриянинг тўққизта федерал ерида тарқатилади. Нашр босмахонадан чиққач, олти соат ичида обуначига етказилиши шарт. Энг узоқ етказиб бериш масофаси 900 километрга яқин. Шу сабаб газета мамлакатнинг турли ҳудудларидаги босмахоналарда бир вақтда чоп этилади.

“Mediaprint” ташкилоти нашрларни чоп этиш ва тарқатиш билан шуғулланади. Унинг тасарруфида мопедлардан тортиб, катта юк автомобилларигача бор. Газета тарқатиш жараёнига туну кун ўн мингга яқин киши жалб этилади.

Уюшмага аъзо нашрларнинг асосий тиражи обуна ҳисобига шаклланади. “Kronen Zeitung” нусхаларининг 85 фоизи обуначиларга етказилади. Аҳолиси ўн миллионга етмайдиган мамлакатда ҳар ўн беш австриялиқдан биттаси мана шу газетани мунтазам ўқийди. Бундай нашрлар сони эса анчагина. Газетанинг бир донаси 2,52 евро туради.

Бу рақамлар бизни таққослашга, Ўзбекистондаги даврий нашрлар ривожи кўп жиҳатдан ўзимизга ҳам боғлиқ эканини англашга ундайди.

Биринчидан, биз кўп йиллар давомида газетани ўқувчига ўз вақтида етказиб бериш масаласини эътибордан четда қолдирдик. Афсуски, бу муаммони ҳали ҳам тўлиқ ҳал қилганимиз йўқ. Оила бюджетидан маблағ ажратиб обуна бўлган инсон газетани вақтида олмаса, кейинги йили яна обуна бўлишни истайдими? Албатта, йўқ.

Иккинчидан, нашрларни ҳудудлардаги босмахоналарда чоп этиш тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш мумкин. Масалан, “Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари Тошкент, Самарқанд ва Марғилон шаҳарларидаги босмахоналарда чоп этилмоқда. Шу туфайли нашрларни асосий ҳудудларга ўша куннинг ўзида етказиш имкони пайдо бўлди.

Учинчидан, обуна ва тарқатиш борасида ҳали ҳам совет давридан қолган иш усулларига таянаётган жойларимиз бор. Газетани чоп этишдан кейинги барча ишни почта ёки матбуот тарқатувчи идораларга топшириб қўйиш билан муаммо ҳал бўлмайди. Ҳозирги почта бўлинмаларининг моддий-техник базаси ҳатто саноқли нашрларни ўз вақтида етказиш учун ҳам етарли эмас. Етказиб бериш нархини кескин ошириш эса ўқувчи ва таҳририят зиммасига яна бир юк бўлиб тушади.

Бу масалада бир неча бор таклифлар билдирилди. Таҳририятлар келишиб, ягона йирик тарқатиш тизимини ташкил этса, харажатлар камайиши, етказиб берувчи ташкилотнинг моддий-техник базаси эса мустаҳкамланиши мумкин. Энг муҳими, ўқувчининг ишончи қайтади.

Яна бир камчилигимиз бор. Биз ўқувчи билан алоқани унутиб қўйдик. Ҳақиқий газетхонлар ҳали ҳам кўп. Улар минглаб топилади. Лекин улар бизни танимайди, биз эса уларни...

Бугун интернет имкониятлари катта. Ҳар бир таҳририят ўқувчилар фикрини мунтазам ўрганадиган бот ёки бошқа рақамли мулоқот майдонини яратиши мумкин. Газетанинг мазмуни, етказиб бериш сифати, ўқувчини қизиқтираётган мавзулар ҳақида бевосита муштарийнинг ўзидан сўраш керак.

Қолаверса, бугун ўқувчимиз фақат қоғоз газета муштарийсидан иборат эмас. У бизни телефонда, ижтимоий тармоқда, сайт ва видеоплатформаларда ҳам кузатяпти. Хуллас, қайси шаклда бўлмасин, ўқувчи фикрини билиш ва унга қулоқ тутиш зарур.

Одамлар асосий янгиликларни телефондан олаётгани рост. Бироқ газета жамиятдаги энг саводли ахборот мактабларидан бири бўлиб қолмоқда. Газета ўқиш фақат хабар олиш эмас, тилни ҳис қилиш, фикрни тартибга солиш ва саводни оширишга ҳам хизмат қилади.

Баъзан телеканаллардаги оддий титрларда ҳам ғиж-ғиж хатоларни кўрамиз. Шунда додингни кимга айтишни билмай қоласан киши.

Австрия газетасининг нархи 2,52 евро эканини айтдим. Бизнинг пулда ўттиз минг сўм атрофида бўлади. Шошилманг, мен ҳам Австриядаги иш ҳақлари миқдоридан хабарим бор. Бизга тақдим этилган маълумотларга кўра, “Kronen Zeitung” таҳририятида ўртача ойлик маош 3800 евро атрофида. Журналистларнинг йиллик даромади эса ўртача 91 минг еврога етиши мумкин.

Бу рақамлар интернет инфратузилмаси ва рақамли медиа анча ривожланган, аҳолиси Ўзбекистондан бир неча баробар кам мамлакатдаги газетхонлик манзарасини кўрсатади. Дарвоқе, биргина Австрия газеталар уюшмасига ўнлаб худди шундай газеталар аъзо эканини айтиб ўтай. Демак, мамлакатда ҳар куни миллионлаб нусхада газета чоп этилади, уларнинг таҳририятларида минглаб инсон ишлайди ва ижод қилади.

Яна бир жиҳатни айтиш эсдан чиқаёзибди. Австрия реклама бозорида газеталарнинг улуши жуда катта экан, қойилмисиз? Бизга тақдим этилган рақамларга кўра, умумий реклама маблағларининг 31,2 фоизи газеталар ҳиссасига тўғри келади. Телеканаллар улуши эса 26,2 фоизни ташкил этади. Энди айтинг-чи, газеталар даври тугадими? Албатта, йўқ!

Ян Браату: “Идеал давлат йўқ...”

ЕХҲТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили Ян Браату билан ўтган маротаба суҳбатни ҳам узоқ вақт унутмасам керак.

— ЕХҲТга аъзо 57 давлатнинг ҳар бирида ўзига яраша муаммо бор. Идеал мамлакат йўқ, — деди у суҳбат давомида.

Бу фикрда катта ҳақиқат бор. Чунки сўз эркинлиги бир марта эришиб, кейин хотиржам яшайдиган манзил эмас. У доимий ҳаракат, жамоатчилик назорати ва касбий масъулиятни талаб қиладиган жараён.

Ян Браату 2025 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. У юртимизда матбуот ва сўз эркинлиги соҳасида кечаётган жараёнларни кузатган, журналистлар ҳамда соҳа вакиллари билан учрашган.

Бизни Венадаги қароргоҳида қабул қилар экан, у Ўзбекистон сафари ҳақида ҳам тўхталди.

— Мен жараёнлар тез ва осон кечмаганини кўрдим. Умумий тушунчаларимиз бир-бирига яқин ва бундан хурсандман, — деди у.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Шуҳрат Орипов Ян Браатудан уюшма томонидан ЕХҲТга тақдим этилган Этика кодекси лойиҳаси ҳақидаги фикрини сўради. Вакил ҳужжат яхши таассурот қолдирганини, унда илгари сурилган таклифларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Сафаримизнинг асосий сабаби бўлган тантанали маросим Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонасида ўтказилди. “Ўзбекистон ҳақида хорижий ОАВда ёритилган энг яхши материал учун” номинациясида иккинчи ўринга муносиб топилган Дидье Лабушга “Олтин қалам” миллий мукофоти топширилди.

Шу ерда ижод қилаётган хорижлик ҳамкасбларимизнинг янги Ўзбекистон ҳақидаги фикрларини эшитиб, қалбимизда ғурур уйғонганини яширмайман. “Euronews” телеканалининг Ўзбекистондаги мухбири бўлиб ишлаган Татьяна Полонская ҳам юртимиз ҳақида шундай илиқ гаплар айтдики, халқимиз таъбири билан айтганда, оғзидан бол томди.

Ҳар икки ижодкорга Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фахрий аъзолиги гувоҳномалари ҳам топширилди. Уларнинг юзидаги қувонч барчамизга юқди. Минбарга чиққан Дидье Лабуш эса сўзини кутилмаган бир жумла билан бошлади.

— Сизни Президентингиз билан табриклашга ижозат бергайсиз...

Тўғриси, хорижлик журналистнинг бу гапида хушомаддан асар ҳам йўқ, янги Ўзбекистонимизда кечаётган ўзгаришларга берилган холис баҳо эди, назаримда. Бундай самимий эътироф кишини қувонтиради, албатта. Айни пайтда менинг, журналист ҳамкасбларим зиммасидаги улкан масъулиятни ёдимизга солиб туради.

— Сизга ҳам раҳмат, биродар!

Тошкент — Париж — Вена — Тошкент

Мустақил нашриётлар кўпайса, ёзувчи учун танлов имконияти кенгаяди. Улар ўртасида муаллифлар, яхши қўлёзмалар, китобхонлар учун рақобат пайдо бўлади.

yuz.uz yuz.uznews official yuz.uz_news yuz.uz_news

Адабий жараён

ЁЗУВЧИНИНГ БАХТИ

Ижодкорларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари жорий этилаётган, китобхонликка муносабат ўзгараётган бир паллада ёзувчининг ўз даври олдидаги масъулияти нималардан иборат? У жамиятдаги ўзгаришларни қай даражада англаяпти, инсон қалбидаги аксини қандай тасвирлаяпти? Энг муҳими, ижодкорнинг бахти билан у мансуб халқнинг тақдири қаерда туташади?
Иқтидорли қаламкаш Жавлон ЖОВЛИЕВ билан адабиётнинг бугунги ҳаётимиздаги ўрни, ижодий эркинлик, китобхонлик маданияти ва ўзгараётган Ўзбекистонда ёзувчининг бахти нималарда намоён бўлиши ҳақида суҳбатлашдик.



— Жавлон ака, ёзувчининг бахти ҳақида гап кетганда, одатда, унинг асарлари ўқилиши, халқ орасида танилиши, меҳнати эътироф этилиши назарда тутилади. Бироқ адабиёт тарихида ўз замонасида қадр топмаган, жамият билан муросага келолмаган ижодкорлар кўп. Сизнингча, ёзувчининг бахти ўз даври билан ҳамнафас яшашидами ёки ўша давр англаб етолмаган ҳақиқатларни айта олишида? Умуман, ёзувчининг бахтини замондошлари тўғри баҳолай оладими?

— Аввало, ёзувчи ҳам инсон эканини унутмаслик керак. Биз баъзан ижодкорни оддий инсоний эҳтиёжлардан, орзу-истакларидан холи, фақат келажак учун яшайдиган ва ёзадиган шахс сифатида тасаввур қиламиз. Гўё унинг тақдири ўз замонасида тушунилмаслик, қадр топмаслик, изтироб чекиш билан боғлиқ бўлиши шартдек. Ҳолбуки, ҳар қандай ёзувчи, шоир, мусаввир, умуман, санъат одами меҳнатининг самарасини кўришни, асарлари ўқилишини, мухлислари қалбидан жой олишини истайди. Бу — табиий инсоний эҳтиёж.

Айни пайтда ўз замонасида қадр топмаганини ижодкорнинг буюклигига далил қилиб кўрсатиш ҳам тўғри бўлмайди. Тарихда ҳақиқатан ўз давридан илгарилаб кетган, замондошлари англаб етмаган ҳақиқатларни бадиий кашф этган адиблар кўп бўлган. Лекин ҳар қандай тушунилмаслик ортида буюк истеъдод яширинган деган хулосага келиш ҳам хато. Ижодкорнинг адабиётга қандай бадиий ҳақиқат олиб киргани асосий мезондир. Адабиёт тарихига назар ташласак, чин санъат асарлари ҳамиша инсоннинг ўзи ифода этолмаган кечинмаларига восита бўлиб келганини кўрамиз. Гомернинг “Одиссея”сидан тортиб, халқ достонларимизгача, қадимги юнон драмаларидан бугунги романларга қадар инсоннинг дарду ҳасрати, қўрқуви, муҳаббати, орзуси, топгани ва йўқотганлари, коинот, ҳаёт, тақдир олдидаги ожизлиги адабиётнинг бош мавзуларидан бўлиб келган. Минг йиллар аввал яшаган одам билан бугунги инсоннинг турмуш тарзи, дунё ҳақидаги тасаввури, ижтимоий муносабатлари ўртасида улкан фарқ бор. Шунга қарамай, биз қадимий асарларни ўқиганда ҳам ўзимизга таниш туйғуларни учратамиз. Чунки ҳаёти ўзгаргани билан инсоннинг қалбида кечадиган айрим зиддиятлар, изтироблар ва саволлар ҳамон яшаб келмоқда.

Ёзувчи замонасини тасвирлар экан, фақат ўша даврда юз берган воқеаларни қайд этиш билан чекланиб қолмаслиги керак. У воқеаларнинг инсон тақдирида қолдирган изини, жамият ҳаётида кўзга ташланмаётган зиддиятларни, одамлар ҳали тўла англаб етмаган хавотир ва кечинмаларни ҳис қила олиши зарур. Баъзан жамият ўзи бошдан кечираётган жараённинг моҳиятини йиллар ўтгач, тушунади. Ёзувчи эса ўша жараённинг инсон қалбидаги аксини анча аввал сезиши керак.

Шу маънода, ижодкорнинг жамият, халқ, давлат ва сиёсат билан муносабати ҳамиша мураккаб бўлиб келган. Чунки жамият кўпинча ўзининг бугунги эҳтиёжлари, манфаатлари ва қарашлари билан яшайди. Адабиёт эса ўша қарашларнинг ўзини ҳам сўроқ остига олади. Одамлар одатланиб қолган тартиблар, табиий деб қабул қилаётган ишлар, ҳатто ўзлари ишониб келган ҳақиқатлар бадиий асарда бошқача маъно касб этади. Бу эса ҳар доим ҳам ҳаммага бирдек ёқавермайди. Айниқса, ёзувчи жамиятнинг ўзи тан олишни истамаётган оғриқли жиҳатларга мурожаат қилганда, унинг асари билан замондошлари ўртасида муайян масофа пайдо бўлади.

Тириклигида ўқилиш, қадрланиш, асарларининг одамлар ҳаётига дахлдор бўлаётганини кўриш, шубҳасиз, катта бахт. Бироқ адабиётнинг умри ижодкорнинг умридан узоқроқ бўлади. Ёзувчи ўз даврига қанчалик чуқур кириб борса, ўша давр орқали умуминсоний ҳақиқатларни қанчалик теран ифодалай олса, асари кейинги замонлар билан ҳам мулоқотга кириша олади. Рост адабиётнинг куч-қудрати ана ўша — муайян замонда туғилиб, ўша замоннинг чегараларидан ошиб ўта олишида деб ўйлайман.

— Бугун давлат томонидан ижодкорларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда бир масала қизиқ: ёзувчининг ижодий мустақиллиги унинг иқтисодий мустақиллигига қай даражада боғлиқ? Давлат кўмаги, нашриётлар фаолияти ва адабий бозор ўртасида қандай муносабат шаклланса, ижодкор ўз виждони ва бадиий қарашларига содиқ қолган ҳолда яшаши мумкин?

— Бизда ёзувчининг қийинчиликда яшаши баъзан унинг тақдирига хос ҳолат сифатида қабул қилинади. Ҳатто буни қандайдир романтизация қиладиганлар ҳам бор. Гўё ҳақиқий адабиёт фақат азоб-уқубатда туғилиши керакдек. Албатта, изтироб инсонни ўйлаш, ҳаётга бошқача қарашга мажбур қилади. Лекин ижодкорнинг қашшоқлиги билан истеъдоди ўртасида ҳеч қандай табиий боғлиқлик йўқ.

Мен кўплаб устоз ёзувчиларимизнинг қандай шароитда яшаганини кўрганман. Улар орасида адабиётга умрини бағишлаган, яхши асарлар яратган, бироқ кундалик тирикчилик ташвишларидан қутулолмаганлар бор. Бундай ҳолатни кўриб, ёшлигимизда ўзимиз ҳам ўйланардик: агар ёзувчиликни танласак, бизни ҳам шундай ҳаёт кутяптими?

Шунинг учун ёзувчининг иқтисодий мустақиллигини адабиётнинг келажаги билан боғлиқ масала деб биламан. Ижодкорга шароит яратиш ҳақида гапирганимизда, аслида, унинг ҳали ёзилмаган асарлари учун ҳам имконият яратишни назарда тутамиз.

Бугун янги Ўзбекистонда бу борада жиддий ўзгаришлар бўлаётганини кўриб турибмиз. Президентимизнинг адабиёт аҳлига кўрсатаётган эътиборини жуда қадрлайман. Айниқса, кейинги йиллардаги қарорларида ижодкорни рағбатлантиришнинг аниқ иқтисодий механизмлари белгиланаётгани жуда муҳим.

Масалан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 июндаги тегишли фармонида шоир ва ёзувчиларга ҳар йили камида элликта сара асар яратиш учун давлат буюртмаси бериш, ўзбек адабиётининг ўнта энг яхши асарини



хорижий тилларга таржима қилиш, нашр харажатларининг бир қисмини қоплаш назарда тутилган. Илгари кўпроқ ёзилган асарни қандай чоп этиш, қандай тақдирлаш ҳақида ўйлаган бўлсак, энди асарнинг яратилиш жараёнига ҳам эътибор қаратиляпти.

Бу жиҳатдан Ирландияда ўтказилган бир тажриба менга қизиқ туюлди. У ерда 2022 йили давлат санъат ва маданият соҳасининг 2000 вакилига уч йил давомида ҳафтасига 325 евродан маблағ ажрата бошлаган. Яна 1000 иштирокчидан иборат назорат гуруҳи шакллантирилган. Мақсад шунчаки ижодкорларга ёрдам бериш бўлмаган. Давлат молиявий хотиржамлик ижодий меҳнатга қандай таъсир қилишини текшириб кўрган. 2025 йилда эълон қилинган натижаларга кўра, маблағ олган иштирокчилар бошқа гуруҳдагиларга нисбатан ҳафтасига ўртача ўн бир соат кўп вақтини ижодга ажратган.

Ирландия ҳукумати бу тажрибадан кейин 2026 йили ижодкорлар учун доимий дастур жорий этишга қарор қилди. Мазкур тажрибада эса ижодкорга ҳали қандай натижага эришиши маълум бўлмаган давр учун ҳам ишлаш имконияти берилган. Биринчи усул аниқ адабий лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади. Иккинчиси ижоднинг олдиндан тахмин қилиб бўлмайдиган жиҳатини назарда тутади.

Ҳар бир изланиш муваффақиятли асар билан тугамаслиги бор гап. Ёзувчи бир мавзу устида йиллаб ишлаб, охирида ундан воз кечиши ҳам мумкин. Шунинг учун адабиётни қўллаб-қувватлашда тайёр натижа билан бирга ижодий жараённинг ўзига ҳам эътибор бериш керак.

Мамлакатимиздаги бугунги ўзгаришларнинг қимматли жиҳати шундаки, бундай имкониятлар учун амалий асос яратиляпти. Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармаси орқали ёш ёзувчиларга грантлар ажратиш, асарларини нашр эттириш вазифалари белгиланган. Болалар контентини ривожлантириш маркази томонидан ўндан ортиқ, мазкур жамғарма томонидан ўттизга яқин бадиий асарга буюртма берилган. Мен учун, айниқса, ижодкорнинг мавзу танлаш имконияти сақланаётгани аҳамиятли.

Чунки ёзувчига буюртма бериш билан унга қандай ёзишни ўргатиш ўртасида катта фарқ бор. Давлат муайян ижодий лойиҳани молиялаштириши мумкин, лекин асарнинг бадиий ҳақиқати муаллифнинг ўзига тегишли бўлиши керак. Ёзувчи ҳаётни ўз кўзи билан кўрмаса, ўзини қийнаётган саволларни беролмаса, асари қанчалик пухта ёзилмасин, унда самимийлик етишмайди. Менимча, ижодий мустақилликнинг энг муҳим шарти шу.

Энди бу ўзгаришлар билан бирга китоб бозорининг ўзи ҳам ривожланиши керак. Ёзувчи ўз китобининг ўқилиши, сотилиши, қайта нашр этилиши орқали даромад олиши зарур. Масалан, бир роман ўн минг нусхада сотилди дейлик. Бу яхши натижа. Лекин шу муваффақиятдан муаллифнинг ўзи қанчалик манфаат кўрди? Нашриёт билан тузилган шартномада унинг улуши аниқ белгиланганми? Китоб қайта чоп этилса, яна гонорар оладими? Электрон шаклда тарқатилса-чи? Аудиокитоб қилиб чиқарилса-чи? Мана шу саволларга аниқ жавоб бўлиши керак.

Буюк Британияда 1979 йилдан буён амал қилаётган бир тартиб бор. У ерда муаллифлар китоби жамоат кутубхоналаридан фойдаланиш учун олингани асосида ҳам ҳақ олади. Бунинг учун Public Lending Right тизими ишлайди.

Бизда ҳам электрон кутубхоналар, аудиокитоб платформалари ривожланяпти. Бу жуда яхши. Энди муаллифлик ҳуқуқларининг амалда қандай таъминланишига жиддий эътибор бериш зарур. Бугун бирор ёзувчининг китоби рухсатсиз PDF шаклида тарқалса, минглаб одамлар уни ўқийди. Муаллиф эса бундан ҳеч қандай даромад олмайди. Китобнинг оммалашгани яхши, албатта. Лекин асарни яратаётган инсоннинг меҳнати бепул ресурсга айланиб қолмаслиги керак. Мен хусусий нашриётлар фаолиятининг кенгайишини ҳам жуда муҳим деб биламан. Чунки адабиётда турли йўналишлар, турли дидлар, турли авлодлар бор. Мустақил нашриётлар кўпайса, ёзувчи учун танлов имконияти кенгаяди. Улар ўртасида муаллифлар, яхши қўлёзмалар, китобхонлар учун рақобат пайдо бўлади.

— Бугун китобхонликни ривожлантириш учун турли танловлар, лойиҳалар, тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Сиз ҳам “Мутолаа” лойиҳаси орқали бу жараённинг бевосита ичидасиз. Шу тажрибангиздан келиб чиқиб айтсангиз: биз китобхонликни ривожлантиришда кўпроқ китоб ўқиган одамлар сонини оширишга уриняпмизми ёки ўқиганини мустақил таҳлил қиладиган, асар билан баҳслаша оладиган китобхонни тарбиялашгами? Бу икки мақсад ўртасидаги тафовут амалда қай даражада сезиляпти?


— Бу саволга жавоб бериш учун, аввало, китобнинг жамиятимиздаги ўрни қандай ўзгарганига қарашимиз керак. Бугун китоб ўқиётган одамга муносабат билан бизнинг болалигимиздаги муносабат ўртасида, шубҳасиз, сезиларли фарқ бор. Эсимда, биз ўқиб юрган пайтларда китобга қизиққан, кўп ўқиган болага баъзан ғалати қараларди. “Ботаникмисан?” деган гапларни эшитардик. Гўё китоб ўқиш одамни бошқалардан ажратиб қўядиган, ҳатто бир оз кулгили кўрсатадиган машғулотдек қабул қилинарди. Ҳозир эса китобхон бўлишнинг ўзи муайян ижтимоий мавқега айланиб боряпти. Ёшлар ўқиган китоблари орқали нимагадир эришяпти, улар ҳақида гапиряпти, бир-бирига тавсия қиляпти.

2017 йилдан бошлаб китобхонликни рағбатлантиришга давлат даражасида жиддий эътибор қаратилди. Китобхонлик танловлари, ғолибларга автомобиллар ва бошқа қимматбаҳо совғалар берилиши кўпчиликнинг эътиборини тортди. Аввалига бундай усулларга турлича муносабат бўлди. Китоб ўқишнинг ўзи маънавий эҳтиёж бўлиши керак, уни совға билан рағбатлантириш қанчалик тўғри деган саволлар туғилди. Мен эса бу жараённинг ижтимоий натижасига қарайман. Китобхонлик оммавий эътибор марказига чиқди, китоб ўқийдиган ёшларнинг меҳнати қадрлана бошлади. Шунинг ўзи жамиятдаги муносабатни ўзгартиришга хизмат қилди.

Баъзан ижтимоий тармоқларда китоб билан суратга тушган, уни ўз саҳифасида намойиш этган одамлар танқид қилинади. Гўё улар китобни ўқиш учун олмаган, ўзини билимли кўрсатишни истаяпти. Мен бунга унчалик кескин қарамайман. Майли, кимдир китоб билан суратга тушсин, кимдир уни ўзининг ижтимоий қиёфасининг бир қисмига айлантирсин. Муҳими, китоб одамларнинг кундалик ҳаётида кўрина бошлади. Китобга қизиқиш ва ижобий муносабатнинг оммалашуви ҳам кейинги жараёнлар учун муайян замин ҳозирлади.

Китобхонликнинг шартли равишда икки босқичи бор десак бўлади. Биринчиси — одамларда мутолаа одатини шакллантириш. Иккинчиси — шу одат асосида адабий дид, таҳлил маданияти ва мустақил фикрлашни ривожлантириш. Биринчи босқичсиз иккинчиси кенг ижтимоий ҳодисага айланиши қийин. Чунки китоб ўқимайдиган одамдан асар устида баҳс юритишни талаб қилолмаймиз. Аввало, уни китобга олиб келишимиз керак. Кейин эса мутолаа унинг ҳаётидан қандай ўрин эгаллаётганига эътибор қаратиш мумкин.

Ҳозир технологиялар китобхонликнинг бутунлай янги шаклларини вужудга келтирди. Илгари китобни топиш, сотиб олиш, ўқиш учун алоҳида вақт ва шароит керак эди. Бугун эса одам йўлда, ишга кетаётганда, меҳнат



> **“Мутолаа” лойиҳасида китобхонларни ўзаро боғлаш, асарлар ҳақида фикр алмашиш имкониятини кенгайтиришга қаратилган ишлар ҳам бошланган. Буни лойиҳанинг табиий давоми деб биламан. Чунки китоб ўқиган одам ўз таассуротларини ким биландир ўртоқлашишни истайди. Ана шу эҳтиёж атрофида улкан адабий муҳит пайдо бўлади.**

қилаётганда ҳам электрон китоб ўқиши ёки аудиокитоб тинглаши мумкин. “Мутолаа” лойиҳасининг энг катта афзалликларидан бирини мен шунда кўраман. Китоб инсоннинг қаерда яшаётганига, атрофида китоб дўкони ёки катта кутубхона бор-йўқлигига камроқ боғлиқ бўлиб боряпти. Лойиҳа қисқа муддатда катта аудиторияни қамраб олди. Биз китобхонликни тарғиб қилар эканмиз, одамлардан фақат китоб ўқишни талаб қилиш билан чекланмаслигимиз, уларга қулай воситаларни ҳам таклиф этишимиз зарур.

Бироқ рақамлар масаласида яна бир жиҳатни ҳисобга олиш керак. Иловадан фойдаланувчилар сони, очилган китоблар миқдори ва ҳақиқатан шаклланган мутолаа маданияти бир хил кўрсаткичлар эмас. Масалан, одам бир китобни юклаб олиши, бир неча саҳифасини ўқиши мумкин. Бошқа бир китобхон эса асарни тугатгач, қайта ўқийди, дўстлари билан муҳокама қилади, ўзига ёқмаган фикрларни ҳам таҳлил қилади. Иккаласи ҳам статистикада китобхон сифатида кўриниши мумкин, аммо уларнинг мутолаа тажрибаси турлича. Шунинг учун мен кейинги босқичда китоб атрофида фикрий муҳит шаклланишига катта умид билан қарайман. Китоб клублари, адабий муҳокамалар, муаллифлар билан очиқ суҳбатларни кўпайтиришимиз зарур.

Менимча, ҳақиқий китобхонлик маданиятининг муҳим белгиларидан бири ҳам шу: одам ўзи ўқиган ҳар бир фикрни тайёр ҳақиқат сифатида қабул қилмасликни ўрганади. Китоб унга бошқа инсоннинг ҳаётини, бошқа даврни, ўзига бегона қарашларни тушуниш имконини беради.

“Мутолаа” лойиҳасида китобхонларни ўзаро боғлаш, асарлар ҳақида фикр алмашиш имкониятини кенгайтиришга қаратилган ишлар ҳам бошланган. Буни лойиҳанинг табиий давоми деб биламан. Чунки китоб ўқиган одам ўз таассуротларини ким биландир ўртоқлашишни истайди. Ана шу эҳтиёж атрофида улкан адабий муҳит пайдо бўлади.

— Ёзувчи учун энг оғир синовлардан бири, эҳтимол, ўз асари билан жамият ўртасидаги масофани ҳис қилишдир. Китоб минглаб нусхада тарқалиши, муаллиф эътироф этилиши мумкин, бироқ у кўтарган муаммолар сақланиб қолаверади. Шундай вазиятда ёзувчи ўз меҳнатининг самарасини нимада кўради? Адабиёт инсонни ёки жамиятни ўзгартириши шартми? Ниҳоят, бугунги Жавлон Жовлиев учун “ёзувчининг бахти” деган тушунчанинг мазмуни ижодга энди кириб келган йилларидагидан қанчалик ўзгарган?

— Инсоннинг бахт ҳақидаги тасаввури ўзи билан бирга улғайиб боради. Бир пайтлар бахт деб билганингиз йиллар ўтиб, сиз учун оддий воқеага айланади. Аввал аҳамият бермаган нарсангизнинг қадрини эса кейинроқ тушунасиз. Ёзувчиликда ҳам шундай. Ижодга энди кириб келган пайтингиздаги орзуларингиз билан бир неча китоб ёзганингиздан кейинги ўйларингиз бир хил бўлмайди.

Адабиётнинг гўзал жиҳати шундаки, сиз бир асарни ёзишга киришганингизда унинг охирида ўзингиз қандай инсонга айланишингизни ҳам билмайсиз. Асар устида ишлаш давомида кўп нарса ҳақида қайта ўйлаб кўрасиз. Баъзан аввал ишонган фикрингизга шубҳа билан қарайсиз. Қаҳрамонингизни тушунишга ҳаракат қилиб, ўзингиз ҳам англамаган туйғуларга дуч келасиз. Шу маънода, ёзувчилик мен учун фақат китоб яратиш жараёни эмас. Бу ўзимни, даврни, одамларни, Ватанни ва ҳаётни қайта-қайта англашга уриниш ҳамдир.

Сиз адабиёт жамиятни ўзгартира оладими, деб сўрадингиз. Бу жуда мураккаб савол. Мен бирор роман ёзиб, уни ўқиган одамларнинг барчаси ўзгариб кетади деб ўйламайман. Ҳатто жуда кучли асар ҳам ҳаммага бир хил таъсир қилмайди. Кимдир ундан ўз ҳаётига дахлдор маъно топади, бошқа биров шунчаки қизиқарли воқеани ўқийди. Ажабланарли жойи йўқ. Чунки китобнинг ўқувчига таъсири унинг ҳаётий тажрибаси, дунёқараши, ўша пайтдаги руҳий ҳолати билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун адабиётнинг самарасини муайян ижтимоий муаммо ҳал бўлгани ёки ҳал бўлмаганига қараб баҳолаш қийин. Масалан, адолатсизлик ҳақида қанча асар ёзилган, аммо дунёда адолатсизлик тугагани йўқ. Уруш ҳақида буюк романлар яратилган, инсоният эса уруш қилишда давом этяпти. Шунга қараб, адабиётнинг кераги йўқ экан, деган хулосага келолмаймиз-ку. Адабиётнинг инсонга таъсири ҳар доим ҳам дарҳол кўзга ташланавермайди.

Бахт ҳақида гапирсам, ёзувчининг бахтини фақат ўқувчиларнинг эътирофи билан боғлаб қўйиш ҳам бирёқлама хулоса бўлади. Боиси, асарни тугатганингиздан кейин, одамлар уни яхши қабул қилган тақдирда ҳам, ичингизда қандайдир қониқмаслик ҳисси қолади. Менда доим шундай бўлади. Китобим чиқади, ўқувчилардан яхши фикрлар эшитаман, хурсанд бўламан. Кейин эса асарнинг айрим жойларини эслаб, бошқачароқ ёзишим мумкин эди деб ўйлайман. Қайсидир қаҳрамонни чуқурроқ очиш, бирор воқеани таъсирлироқ тасвирлаш, айрим фикрларни аниқроқ ифодалаш мумкин бўлгандек туюлади.

Тугалланган ҳар бир асаримда мен учун шундай енгилиш ҳисси ҳам бор. Ижод жараёнида нималарнидир топасиз, нималарнидир йўқотасиз. Асар тугагач, ўша йўқотилган имкониятлар ҳақида ҳам ўйлайсиз. Бу ҳолат баъзан қийнайди. Лекин мен уни ижодкор учун зарур туйғу деб биламан. Агар ёзганларимдан бутунлай қониқиш ҳосил қилсам, кейинги асарни ёзишга эҳтиёж ҳам сезмаган бўлармидим, ким билсин.

Ёшликда бахтни кўпроқ бирор манзилга етиб бориш билан боғлар экансиз. Китобим чиқса, бахтли бўламан. Асарим ўқилса, бахтли бўламан. Мени танишса, бахтли бўламан. Кейин эса ҳар бир манзилдан сўнг йўл яна давом этишини тушунасиз. Ёзувчиликда бир куни ҳамма саволга жавоб топиб, энди хотиржам яшайман, дейдиган нуқта йўқ, шекилли. Чунки инсоннинг ўзи ҳам, жамият ҳам, адабиёт ҳам тўлқиндек мунтазам қалқиб, бир кўтарилиб, бир тушиб боради.

Бугун юртимизда кечаётган ўзгаришларга қараб ҳам шу ҳақда ўйлайман. Мен ёшлигимда кўрган, асарларимда тасвирлашга уринган ҳаётнинг айрим манзаралари бугун ўзгарган. Бу жараённинг ичида яшаб, унинг қувончини ҳис қилишнинг ўзи катта бахт. Шу билан бирга, ҳар қандай ўзгариш ижодкор олдига янги саволларни қўяди. Кечаги муаммоларнинг айримлари ортда қолар, одамларнинг орзулари, эҳтиёжлари, ҳаётга муносабати ўзгарар экан, адабиёт ҳам уларни қайтадан англашга интилади. Мен учун бу жуда муҳим. Чунки ёзувчи фақат ўзи билган, бошидан кечирган ҳаётни такрорлаб ёзаверса, бир куни ўзини такрорлашдан нарига ўтолмай қолади. У ўзгараётган одамларни ҳам тушуниши, уларнинг янги қувончлари ва янги изтиробларини ҳам ҳис қила олиши керак.

Ёзувчиликни ўзим учун тугалланган бир муваффақият деб қабул қилолмайман. Ҳали ёзишим керак бўлган асарлар, англашим керак бўлган инсонлар, тақдирлар, жавоб излашим шарт бўлган саволлар кўп. Эҳтимол, бугун мамлакатимизда улғаяётган бир боланинг ҳаёти менинг болалигимдан анча фарқ қилар. Унинг орзулари ҳам, дунёқараши ҳам бошқачадир. Ўша боланинг ҳаётини ҳам тушуна оладиган, унинг даври ҳақида ҳам рост ёза оладиган ёзувчи бўлиб қолишни истайман.

Балки шунинг учун ҳам ижодкорнинг бахтида доим бир оз безовталик бўлади. У эришганларидан қувонади, аммо ўзи ҳали эриша олмаган имкониятларни ҳам ҳис қилиб туради. Мен учун энг қувонарлиси — бугун ўзим ҳам, юртим ҳам кечаги орзуларимиз билан чекланиб қолмаяпмиз. Олдимизда ҳали кўп йўл бор. Шу йўлда менинг ҳам ёзадиган китобларим, айтадиган гапларим борлигига ишонаман, умид қиламан.

Ёзувчининг чин бахти — умид.

— Мазмунли суҳбат учун ташаккур!

“Янги Ўзбекистон” мухбири Азизбек ЮСУПОВ суҳбатлашди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



Президент ташрифидан сўнг

МАМЛАКАТНИНГ ОЛТИН ДАРВОЗАСИ

Бешнинг бири бўлган юрт

Инсонга ато этилган энг улуғ неъмат, шубҳасиз, тинчликдир. У бўлмаган ерда тараққиёт йўқ. 30-40 йилдан буён ўқ товуши тинмаётган мамлакатлар тақдири фикримизга мисол бўла олади. Эсимда: ўсмирлигимизда мактабдаги дарслардан сўнг далада ишлардик. Бригадиримиз ҳар қандай даврада “Дунё тинч бўлсин, нон кўп бўлсин!” деб дуо қиларди. Аслида, тириклик учун ана шу икки эҳтиёж қондирилса, етади.

Бугун дунё худди улкан уммондаги ёлғиз қайиқ мисоли чайқалиб турибди. Кутилмаганда бўрон қўпса, бу қайиқ тўнкарилиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун мамлакатимиз раҳбари жаҳоншумул даражадаги ҳар бир учрашув ва йиғинларда сўзлаган нутқида давлатлараро ҳамкорлик, дўстлик, савдо ва маданий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Ривожланган давлатлар билан тенгма-тенг гаплашиш учун муайян давлатнинг ўзи ҳам улар қатори салоҳиятга эга бўлмоғи лозим. Шу ўринда бугун мамлакатимиз ҳудудларида қанот ёзиб бораётган тезкор тараққиёт ўз сўзини айтади.

Оламдаги беш шариф шаҳарнинг бири бўлмиш Бухоро ҳозир улкан ҳудуднинг, шиддат билан ривожланиб бораётган воҳанинг маркази. Унинг шонли ўтмиши, бугунги қудрати ва эртанги истиқболи айнан Президентимиз ташрифи чоғида кўпчиликка аён бўлди. Оддий одамлар ҳам ўзи туғилиб ўсган юртидан фахрланиши бор гап, бироқ шу юртнинг бор салоҳияти ва имкониятларини барча ҳам бирдек англайвермайди. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи гўё шарафли ўтмиш ва бугунги кун чеҳрасига тутилган чароғон кўзгу бўлди: Бухоронинг қувват захиралари, мислсиз имкониятлари ҳамда ойдин орзулари баён этилди.

— Бугунги Бухоро буюк тарихдан янги тараққиёт ва муҳташам лойиҳалар даврига шиддат билан юзланмоқда, — деди Президентимиз ташрифи чоғида.

Ҳа, айнан шундай. Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳидаги таъмирлаш ишлари ҳам, шаҳар ва туманларда давом этаётган улкан қурилишлар ҳам шундан далолат бериб турибди.

Бухоро шаҳрида бунёд этилаётган конгресс-холл мажмуаси ва замонавий меҳмонхоналар қурилишини кўздан кечираркан, мамлакатимиз етакчиси бугунги шаҳарсозлик энди жаҳон талабларига жавоб бериши лозимлигини таъкидлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонга келаётган чет эллик сайёҳлар сони изчил ўсиб бораётгани, 2025 йилда бу кўрсаткич 2016 йилдагига нисбатан қарийб олти баробар, туризм хизматлари экспорти эса ўн бир карра ошгани, мамлакатимизда йирик халқаро тадбирлар ўтказиш учун замонавий инфратузилмага талаб ортиб бораётгани ҳам бу фикрнинг ҳақлигини исботлаб турибди.

Мажмуа шаҳарнинг ана шундай тадбирларга мезбонлик қилиш имкониятини кенгайтиради. Конгресс-холл форумлар, олий даражадаги учрашувлар ва бошқа йирик анжуманларни ўтказишга хизмат қилади. Демак, энди Бухоро шунчаки бир музей-шаҳар, тарихий обидалар жойлашган ҳудуд эмас, дунёнинг манаман деган шаҳарлари билан баробар турадиган мегаполисга айланади. Бир неча миллион долларлик хорижий сармоя ҳисобига қад ростлаётган “Hilton Garden Inn” ва “Holiday Inn” сингари замонавий меҳмонхоналар шундан дарак бераётир.

Асрларни боғлаган ришта

Бухорода тарихий обидалар кўп, бироқ ҳар бирининг ўз қадри-қиммати бор. Уларнинг ҳар бири ўз меъморий ечимига кўра, такрорланмасдир. Қўшмадраса ансамбли ҳам ана шундай ноёб иншоотлар сирасига киради. Президентимиз ташриф чоғида бориб кўрган бу обида Бухоро тарихида ўтган энг машҳур салтанат соҳибларидан бири, 1588-1590 йилларда Бухоро хонлигининг шайбонийлар сулоласидан чиққан ҳукмдори, буюк саркарда ва давлат арбоби Абдуллахон II томонидан бунёд этилган.

XVI асрда ушбу мадраса Мовароуннаҳрнинг энг йирик ҳамда нуфузли олий таълим ва илм-фан марказларидан бири бўлиб, бу ерда толиби илмларга диний ва дунёвий фанлардан дарс берилган. Хусусан, мадрасада Қуръон, тафсир, ҳадис, фиқҳ, ақоид билан бир қаторда араб тили ва адабиёти, мантиқ, фалсафа, математика, геометрия, тиббиёт фанлари чуқур ўқитилган. Бу эса айрим сохта тарихчиларнинг “Ўтмишда Туркистон халқи саводсиз бўлган” деган иддаолари ёлғон ва таги пуч эканини исботлаб турибди.



Давлатимиз раҳбари ҳузурида ўтган йилларда қисман таъмирланган ушбу ансамблни тўлиқ реставрация қилиш режаси тақдимот қилинди. Демак, бу ерга келадиган сайёҳлар сони янада ортади. Президентимиз сайёҳлар учун қулай шароит яратишнинг янги истиқболлари борасида кўрсатмалар берди.

Бухоро шаҳрида қурилаётган янги туризм марказидаги бунёдкорлик ишларининг таърифини муфассал баён этишга имконимиз йўқ. Фақат кундай ойдин бир ҳақиқатни айтиб ўтамиз: қадимий Бухоронинг тарихий обидалари, ҳунармандчилик ва гастрономия анъаналари билан танишган хорижлик меҳмонлар бу заминга, албатта, яна қайтиб келади. Янги туризм марказида бу бой меросни замонавий хизматлар билан уйғунлаштириш, шаҳарда йирик халқаро маданий ва ишбилармонлик тадбирларини ўтказиш учун шароит яратиш кўзда тутилгани ҳам узоқни кўзлаб иш тутиш — келгуси авлодлар учун тўкис ҳаётий шароит яратиш эканини исботлайди.

Факт ва рақамлар ўжар келади, улар ҳар қандай шубҳаю гумон деворларини йиқитишга қодир. Қаранг: мажмуа 50 гектар майдонда барпо этилмоқда. Лойиҳага жами 105 миллион доллар инвестиция йўналтирилиши режалаштирилган. Демак, иш кўлами тасаввуримиздагидан-да кенгроқ бўлса, ажаб эмас.

Хўш, бу рақамлар нимадан дарак бермоқда? Улар қуйидаги ёруғ истиқболни, қутлуғ ниятларни очиб беряпти: мажмуа тўлиқ ишга тушгач, 2000 та иш ўрни очилиши, Бухорога қўшимча 2 миллиондан ортиқ сайёҳ жалб этилиши кутилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, маҳаллий бюджетга йиллик тушум 288 миллиард сўмни ташкил этиши мумкин. Бу эса минглаб оилаларнинг фаровонлиги таъминланади деганидир. Аслида, мақсадимиз ҳам шу: халқимиз тўқ яшасин, оилалар тўкис, фарзандларимизнинг боши баланд, қадди тик бўлсин.

Айтар сўзи бордир дунёга

Хорижлик сармоядорларнинг Ўзбекистонга, хусусан, Бухорога қизиқиши ортиб бораётгани замирида ўзига хос асослар мавжуд. Энг асосийси, бу юрт қуёшли ўлка, одамлари меҳнатсевар, муғамбирликдан йироқ, лафзи бутун. Шунинг учун ҳам чет эллик шаҳарсозлар Бухорога тобора кўп интиляпти. Албатта, бизнес — иккиёқлама фойда дегани. Халқимиз буни “Қўл — кўлни, икки қўл бирлашиб юзни ювади” мақолида содда ва қуйма қилиб ифода этган. Ҳар қандай сармоядор хориждаги қурилишларга маблағ йўналтирар экан, ўз фойдасини ҳам кўзлайди. Аммо даромаду буромад деган гаплар — ўткинчи. Қурилган иморат эса асрлар бўйи қолади.

Вьетнамнинг “ROX Group” компанияси томонидан мамлакатимизда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар тақдимоти билан танишган Президентимиз тақдим этилган концепцияларни маъқуллаб, лойиҳаларда илғор шаҳарсозлик ечимларини қўллаш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Мутасаддиларга лойиҳалар учун зарур инфратузилма ва амалга ошириш механизмларини компания билан бирга пухта ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берди. Албатта, мамлакат раҳбарининг назари тушган ишда хайру барака бўлишига шубҳа йўқ.

Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи доирасида янги объектларни ишга тушириш ва истиқболли лойиҳалар қурилишига старт бериш маросимида иштирок этгани ҳам тантаналарга ўзгача файз бағишлади. Иштирок этганлар бу ҳаяжонли лаҳзаларни бир умр эсда сақлаб қолиши аниқ.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида вилоятга жалб этилаётган хорижий инвестиция, очилажак янги иш ўринлари, одамларнинг бандлиги ва даромади ошиб боришини таъкидлар экан, Бухоро воҳасининг келажаги, албатта, нурли бўлмоғига урғу бериб ўтди. Зеро, буюк ўтмиши бўлган бу юртнинг бугун ва келажакда ҳам дунёга айтар сўзи бўлмоғи лозим. Президентимизнинг ғамхўрлиги ва халқимизнинг шижоатли меҳнати айнан шунга қаратилган.

Улкан режалар, жадал ҳаракатлар, хайрли якун

Бир тасаввур қилиб кўринг: бугунга келиб нефть-кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, машинасозлик, энергетика, тоғ-кон саноати, фармацевтика, рақамли технологиялар, логистика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, уй-жой қурилиши, инфратузилма, хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларида умумий қиймати 7,8 миллиард доллар бўлган 145 та лойиҳадан иборат дастур шакллантирилган. Шундан 654 миллион долларлик 55 та лойиҳа ишга туширилмоқда. Қиймати 7,1 миллиард доллар бўлган яна 90 тасининг қурилиши бошланмоқда. Унча-мунча одамнинг ақли шошиб қоладиган кўлам! Албатта, режалар жуда улкан, ишлар жадал кетмоқда. Иншааллоҳ, якунлар ҳам хайрли бўлгай. Зеро, ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 14 мингдан ортиқ иш ўрни очилиши, йилига 22 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва 510 миллион долларлик экспорт имконияти пайдо бўлиши кутилмоқда.



Оддий одамнинг хаёлот уфқларига сиғмайдиган даражадаги дадиллик ва шижоат! Қамровнинг кенглиги кишини ҳайратга солиши баробарида, кўнгилларда ёруғ бир фикр уйғотади: Бухоронинг эртанги куни эртакнамо бўлади! Аслида, шундай бўлиши ҳам керак. Чунки бу хайрли ишларнинг бошида шахсан мамлакат Президенти турибди!

— Мақсадимиз битта — импорт ўрнини босадиган ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, — деди давлатимиз раҳбари.

Вилоятда энергетика соҳасидаги ишлар, Ғиждувонда “ACWA” компанияси билан ҳамкорликда барпо этилаётган 300 мегаваттли “Бош-2” шамол электр станцияси, Жондордаги “Toyota Corporation” ва Пешкуда “Sinoma” компаниялари иштирокида умумий қуввати 1000 мегаватт бўлган шамол электр станцияларининг қурилиши, хитойлик ҳамкорлар билан Когон туманида маиший чиқиндилардан электр энергияси олишга қаратилган 165 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш, Германиянинг “Leman” компанияси билан эса “Аму-Бухоро” канали насос станцияларининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича 150 миллион долларлик лойиҳани йўлга қўйиш, Бухоро шаҳрида “Kurt Baver” бренди остида йилига 62 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган тўқимачилик комплексини барпо этиш режалаштирилаётгани, Ромитанда хитойлик инвесторлар иштирокида қиймати 400 миллион доллар бўлган пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилаётгани, ушбу лойиҳалар доирасида 9000 гектар ерни ўзлаштириш ташаббуси… Қай бирини айтасиз? Тасаввур қилган сари дилингиз фарахга тўлади, эртанги кунларга ишончингиз ортади. Кластерлар, туризм марказлари, замонавий меҳмонхона ва амфитеатрлар, ўйингоҳлар, кўнгилочар масканлар — буларнинг барчаси Шариф шаҳар ҳуснига қўйилган холдек ярашиб тушади, Худо хоҳласа!

Отасидан дуо олган қиз

Президентимиз Бухоро вилоятига ташрифи чоғида ўз ҳудудини комплекс ривожлантиришда Олот тумани ҳокими Наргиза Неъматова алоҳида жонбозлик кўрсатаётганини эътироф этиб, давлат ва бошқарув идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, янги иш ўринларини очиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари боис, уни “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотлашга қарор қилганини эълон қилди. Рости, бу хабарни эшитиб жуда севиндим. Наргизахонни қарийб ўттиз йилдан буён яқиндан танийман. Бухоро давлат тиббиёт институтида ишлаган даврларини ҳам, бир неча йил Олот тумани марказий шифохонасида бош шифокор бўлиб фаолият юритганини ҳам яхши биламан. Туман ҳокимлигида ҳам бир неча йил ёнма-ён ишлаганмиз. Наргиза Неъматова йигирма йилдан ортиқ вақт давомида туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлади. У тумандаги қарийб барча оилада бўлган, ҳаммани танийди десам, ишоначинг. Бу асло лоф ёки муболаға эмас. Хотираси ҳам ниҳоятда ўткир, кўплаб шеърларни ёд билади. Айниқса, Зулфияхонимнинг шеърларини ҳар бир даврада севиб ўқийди.

Отаси Исомиддин акани яхши танирдим. У кўп йиллар тумандаги автожамланмага раҳбарлик қилди. Қарангки, бадният Гдлян ана шу хокисор ва беозор одамни ҳам сохта айблов билан бир муддат ҳибсга олди! Хайриятки, тезда ҳақ жойида қарор топди. Китобсевар одам эди раҳматли.

Наргизахоннинг онаси муаллима. Ҳоким ана шундай зиёли оиладан чиққан. Кўпчиликнинг ёдида бўлса керак: 2020 йил 27 апрелда Олот ва Қоракўл туманларига кучли табиий офат — гирдибод ёпирилди. Наргизахон ана шундай қийин ва масъулиятли даврда ҳокимликка келди. Президентимизнинг Олотга ташрифи кўпчилик қатори уни ҳам руҳлантирди, қувват бағишлади. Бутун мамлакат шу чекка туманга ёрдамга отланди. Президентимизнинг алоҳида эътибори ва давлатимизнинг кўмаги билан Олот тез орада қаддини тиклаб, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Кўп тадбирларда бирга бўлганмиз. Ҳокимликка тайинланган илк кунларида бир учрашувимизда сўраб қолди:

— Абдунаби ака, одамлар олдинги ҳокимларга “Ҳоким бова”, деб мурожаат қиларди. Энди мени... — у шундай деб жилмайди. Барибир ўзбек аёли-да, соддалиги ва самимияти бор.

— Мен бирорта тадбирда одамларга айтаман, сизга Ҳокимойим деб мурожаат қилишади. Амир Умархон вафотидан сўнг Қўқон аҳли Нодирабегимни шундай атаган, — дедим кулиб. Албатта, бу бир ҳазил эди. Кўп ўтмай, Олот аҳли уни “Опа”, деб чақира бошлади.

Серғайрат, тиниб-тинчимас, ростгўй ва ҳақиқатпараст, шеъриятга шайдо бу аёлнинг ҳозирча вилоятда ягона “Ҳоким опа” экани ҳам рост. Президентимиз унинг фидойи меҳнатларини юксак баҳолагани кўп қатори мени ҳам жуда қувонтирди. Гарчи уч-тўрт йилдан буён Тошкентда яшасам-да, жон томирим Бухоро билан, Олот билан боғлиқ, ахир! Қолаверса, донишманд отасидан дуо олиб қолган бу аёлнинг шижоати мени ҳамиша завқлантириб келган.

Олотлик ижодкорлар у ҳақида бир-икки шеър битганини, уни “Тўмарис”, дея улуғлаганини эслайман. Мен эса ҳеч ёзолмадим. Назаримда, эркакларга хос шиддат, ғайрат ва шижоат аёлларча нафосату назокат ила сира уйғунлашмайдигандек эди. Ниҳоят, хайрли кунларнинг бирида қуйидагиларни битдим, аммо ҳеч кимга кўрсатганим, ўқиб берганим йўқ:

Унинг кўзларида ҳайрат бор,
Бир ҳайратки, дунёдай улкан.
Она нигоҳидай хокисор,
Бесарҳаддир мисоли Ватан.

Унинг юзларида талъат бор,
Бир талъатки, Ойбарчин мисол.
Нақш олмадай тоза, бегубор,
Икки қоши — иккита ҳилол.

Унинг сўзларида шиддат бор,
Бир шиддатки — темурийзода.
Алп сўзидай ўктам, жарангдор,
Малика лафзидай пок, тоза.

Унинг изларида журъат бор,
Бир журъатки, баҳодирга хос.
Ҳар қадами маҳкам, барқарор,
Ҳар қарори — мисоли ихлос.

Унинг елкасида чўнг юк бор,
Ўлчай олмас кило, тоннаси.
Олотда шундай бир буюк бор —
Юз минглаб фарзанднинг онаси...

Бир оз муболаға қилган бўлсам, узр сўрайман. Шоирлик шу-да энди. Аслида, бу муболаға ҳам эмас. Бутун бошли туманнинг тақдирига масъул бўлган ва шу масъулиятни қойиллатиб адо этгани учун давлат раҳбарининг ҳам, халқнинг ҳам меҳрини қозонган аёлни буюк деб атаса арзийди.

Қўшни Туркманистон билан чегарадош бўлган Бухоро ва унинг таркибидаги Олот тумани мамлакатимизнинг чин маънодаги олтин дарвозасидир. Илоҳим, мана шу дарвозадан фақат дўстлар меҳри, яхшиликлар кирсин. Президентимизнинг бу табаррук заминга ташрифи эса келгусидаги эзгу ишларга яна бир рағбат бўлиб, бунёдкор халқимизга илҳом бағишлади. Аждодларга хос бунёдкорлик қудрати жўш уриб турган Бухоро аҳли бу ташрифни узоқ йиллар ҳаяжон билан эслаб юришига шубҳа йўқ.

Абдунаби ҲАМРО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЖАСОРАТ ҚАСИДАСИ

Президентимиз фармонига биноан Олот тумани ҳокими Наргиза Неъматова “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланди

Тўмарисдан мерос ибрат, улгилар бор бу юртда,
Ҳарорати гул ундирган кулгилар бор бу юртда,
Ватан меҳрин дилга туккан сулувлар бор бу юртда —
Наргизанинг шиддатини сенга берсин, жон қизим.

Олис кентда элбошию элнинг парвози бўлиб,
Юртбошига сўз айтади халқнинг овози бўлиб,
Зулфиядан шеърлар ўқир бир янгроқ сози бўлиб —
Наргизанинг ҳайратини сенга берсин, жон қизим.

Эл бошига иш тушганда мардлар чиқар майдонга,
Ибодатлар, жасорату шахтлар чиқар майдонга,
Эл орзуси, ҳаловатлар, бахтлар чиқар майдонга —
Наргизанинг журъатини сенга берсин, жон қизим.

Дунёси шу — ҳар қадамда минг битта шарт келади,
Бир оғриғинг ҳали битмай, яна бир дард келади,
Аёл зоти минг йилда бир бундайин мард келади —
Наргизанинг ғайратини сенга берсин, жон қизим.

Ўн йилдирки, парвозини тўхтатмайди бир лочин,
Ғайратига таҳсин айтар Амриқою Чин-Мочин —
Мағрур шернинг сарҳаддаги қоя мисол таянчи —
Наргизанинг ҳайбатини сенга берсин, жон қизим.

Субҳидамда ишга шошар, элга ҳамдам бўлар у,
Эл онаси, бемор дилга шифо, малҳам бўлар у,
Таърифи бир — яхши одам, яхши одам бўлар у —
Наргизанинг ҳурматини сенга берсин, жон қизим.

Оқил одам ҳар бир сўздан битта ҳикмат топади,
Меҳнатидан бахт топганлар минг бир неъмат топади.
Элни севган, эл севганлар шундай шуҳрат топади —
Наргизанинг шуҳратини сенга берсин, жон қизим!

Шодмон СУЛАЙМОН

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1146.
29189 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 23:00 Топширилди — 23:45